Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 АВГУСТ, 1982 йил
ЯКШАНБА
№ 191 (2.597).
Баҳоси 3 тийин.

«САЛЮТ-7» — «СОЮЗ Т-5» — «СОЮЗ Т-7» КОСМИК КОМПЛЕКСИ ОРБИТАДА

ТАСС АХБОРОТИ

1982 йил 20 август куни Москва вақти билан соат 22 дан 32 минут ўтганда «Союз Т-7» космик кемаси Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев бошқараётган «Салют-7» — «Союз Т-5» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Леонид Попов, Александр Серебров ва Светлана Савицкая станция ичига ўтишганидан сўнг ер атрофи космик фазосида киши бошқарадиган «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз Т-7» илмий-тадқиқот комплекси ишлай бошлади. Составида илк бор космонавт аёл ишлаётган беш кишидан иборат космонавтлар экипажи биргалашиб тадқиқотлар ўтказишга киришди.

Учиш илмий программаси еттн кунга мўлжалланган ва астрофизик, техник экспериментлар бажарилишини, халқ хўжалиги турли тармоқларининг манфаатлари йўлида ер юзини кузатиш ва уни фотосуратга олишни ҳамда кўпдан-кўп медицина-биологик тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказилишини кўзда тутади.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, «Салют-7» орбитал станцияси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Березовой, Лебедев, Попов, Серебров ва Савицкая ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ШАХСИЙ ИБРАТ, ЖАНГОВАР СЎЗ БИЛАН

Тўхтақўзи Росабоев Фарғона область Киров районидаги «Искра» колхозида ўттиз йилдан бери бригадага раҳбарлик қилиб келади. У ташаббускор коммунист, ўз ишининг моҳир устаси сифатида пахтадан мўл ҳосил етиштиришдагина эмас, балки коллектив ишлари билан ҳамиша шахсан қизиқиб турғани, колхоздаги барча муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашиши билан ҳам оғизга тушган. Кун тартибига барча пахтачилик бригадаларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш масаласи қўйилганида агитатор Т. Росабоев ўзининг таъсирчан сўзи билан ҳамкасбларини бу ишнинг зарурий ва фойдали эканлигига ишонтира олди, бундай хўжаликларни ташкил этишда шахсий ибрат кўрсатди. Ҳозирги кунда Тўхтақўзи Росабоев бригадасида саккизта сигир, йигирмата қўй ва эчки, юзлаб товуқ бор. Буларнинг ҳаммаси пахтакорларнинг асосий вазифаси — бу йил 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштирш учун курашга ҳалақит бермаяпти.

Коммунист агитаторлар КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида кўрсатиб берилган вазифаларни айни шу тарзда, шахсий ибрати ва жангговар сўзи билан амалга оширишга даъват этилгандирлар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган социалистик мусобақанинг бориши шуни кўрсатмоқдаки, коммунистлар таъсири кучли бўлган, активларнинг даъваткор сўзи шижоатли меҳнат, ташаббускорлик ва қатъиятлилик билан мустаҳкамланаётган жойларда меҳнаткашлар яхши ишлаяптилар. Партия ана шу позициядан туриб, агитколлективларга аввало коммунистлар, шундай муҳим партия топшириғини ишониб топширишга муносиб бўлган ўз ишининг усталари, бригадирлар ва бошқа ўрта бўғин раҳбарлари жалб этилишини талаб қилмоқда. «Бошқаларни зарбдорларча ишлашга даъват этаркансан, — дея таъкидлайди Т. Росабоев, — аввало ўзинг ҳар доим олдинги сафда бўлишинг, юксак натижаларга эришишинг керак. Агитатор шундай меҳнат қилиши керакки, у ўз ўртоқларига «Ҳудди мендай ишла» деб айтиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлсин».

Кейинги вақтларда партия ташкилотлари қишлоқда оммавий агитация ишларини ташкил этишда бой тажриба тўпладилар. Деҳқоннинг иккинчи уйи ҳисобланган дала шийпони эрта баҳордан то кеч кузгача ана шу муҳим партиявий ишлар маркази ҳисобланади. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Жиззах ва бошқа областларнинг колхоз ва совхозларида дала шийпонларига катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ агитаторлари бевосита дала шийпонларида КПСС Марказий Комитети май Пленуми ҳужжатларини кенг тушунтирмоқдалар, меҳнаткашларни СССР Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган конкрет вазифаларни бажариш учун курашга сафарбар қилмоқдалар. Яқинлашиб келаётган йиғим-терим кампаниясини муносиб кутиб олиш, пахта тайёрлаш бўйича олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига қаратилган вазифалар ҳозирги кундаги оммавий-сиёсий ишларда алоҳида ўрин тутади.

Қишлоқ район партия комитетлари пахта йиғим-теримн кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган тартибот-ташкилот ишларининг конкрет планларини ишлаб чиқдилар. Ҳамма ерда матбуот марказлари ташкил этилмоқда, кўргазмали агитация воситаларини янгилаш чоралари кўрилмоқда, мусобақани ёритиш, суҳбатлар ўтказиш, илғор тажрибани тарғиб қилиш, маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатишга масъул кишилар танланмоқда. Агитатор ўлкан хирмон учун курашни идеологик жиҳатдан таъминлашда ҳамон бош фигура бўлиб қолмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида таъкидлаганидек, агитаторлар пропагандистлар, докладчилар ва лекторлар билан биргаликда, «халқ учун фойдали ва керакли иш қилмоқдалар».

Партиянинг сиёсий жангчиси агитатор бўлиш — КПСС сиёсатини моҳирона жўшқин ва ишонарли тарзда тарғиб этиш, ўзининг ғоявий эътиқод кучини ўртоқларига ўтказа билиш, кишиларни тўлқинлантираётган бирорта ҳам масалани эътибордан четда қолдирмаслик демакдир. Бу барча яхши, янги, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлаш, камчиликларга, коммунистик ахлоқни бузишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз курашиш, ғаразли пропаганда уйдирмаларини фош этиш, бемаъни миш-мишлар ва майда-чуйда гапларни пучга чиқариш демакдир.

Партия комитетлари тарғиботчилар активи фаолиятининг самарадорлигини белгилар эканлар, меҳнаткашларни мамлакат, республика, область, район, ўз хўжалиги ҳаётидаги воқеалардан кенг хабардор қилиб туриш, бу воқеаларнинг сиёсий мазмуни ва аҳамиятини, бошқа фактлар ва ҳодисалар билан алоқасини чуқур очиб беришни асосий мезон деб биладилар. Агитатор ўз тингловчиларида бунёдкорлик ҳис-туйғуларини уйғота оляптими, уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлигини кўтара оляптими, хўжасизлик кўринишларига қарши курашга отлантиряптими — энг муҳими шундадир. Сиёсий агитациянинг жангговарлиги ва ҳужжатлилиги, сўз ва иш бирлиги ана шунда яққол намоён бўлади.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, конкрет адреси бўлмаган, коллективлар манфаати ва вазифасидан ажралиб қолган агитация яхши самара бермайди. Кишилар билан суҳбатда ҳаммага маълум бўлган гапларни ҳадеб такрорлаш, сафсатабозлик ва ваъзхонлик қилиш улар ғашини келтиради ва тарбиявий ишга катта зарар етказади. Бунинг устига айрим агитаторларда эришаётган ютуқларимизни кишилар қалбига етадиган қилиб сўзлаб бериш, йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни принципиал тарзда очиб ташлаш, илғор тажриба моҳиятини, меҳнаткашларнинг ундан манфаатдорлигини кўрсатиб бериш маҳорати етишмэйди. Агитаторнинг кучи унинг меҳнаткашлар қалбига яқин фикр ва мулоҳазаларни, эътироз билдирибўлмайдиган далил-исботлари, асосли хулосалари, факт ва ҳодисаларни чуқур анализ қилиб беришидадир.

Қишлоқ агитаторининг роли айниқса йиғим-терим даврида каттадир. Унинг асосий вазифаси пахтакорларни зарбдорчасига меҳнат қилишга илҳомлантиришдир. Кишилар билан гаплашиб олиладиган масалаларни илгаридан пишиқ-пухта ўйлаб олиш керак. Бундай мавзулар кўлами кенг. «Етиштирилган барча ҳосил йиғиб-териб олинсин ва сақлансин!», «Мўл-кўл пахта етиштириш — Узбекистоннинг интернационал бурчи», «Ҳар бир чанокда бутун республика меҳнати мужассам», «Илғорнинг бугунги марраси — коллективнинг эртанги нормасидир», «Техникадан самарали фойдаланилсин» — бу шиорлар ана шу мавзулар асосини ташкил этади. Суҳбатлар тематикаси, методик қўлланмаларни ишлаб чиқиб, ўз районн ёки хўжалиги тўғрисидаги факт ва рақамларни танлаб, агитаторларга катта ёрдам бераётган партия ташкилотлари тўғри қилмоқдалар. Конкрет хулосалар билан бойитилган жонли ва таъсирчан суҳбатлар кишиларга ҳосил тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилишда катта ёрдам бермоқда.

«Ҳосилнинг ҳаммасини йиғайлик, асрайлик ва қайта ишлайлик!» — бу ҳозирги кунда республика ғаллачилик ва сабзавотчилик хўжаликларининг агитация активи учун энг актуал мавзудир. Колхозлар, совхозлар, тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналарида қатор илғор коллективлар ва халқ депутатлари ташаббуси билан мавжуд резервлар кўриги, етиштирилган ҳар бир грамм дон, мева ёки сабзавотнинг исроф бўлишига қарши изчил кураш бормоқда. Агитаторлар бурчи бу курашнинг катта моддий ва маънавий аҳамияти тўғрисида мунтазам равишда сўзлаб беришдан иборатдир.

Оғзаки сиёсий агитация партиявий фаолиятнинг муҳим бўғини, оммо билан алоқа қилиш, оммани партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслаштиришнинг энг актив формаларидан бири, сиёсий раҳбарликнинг силнаган воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Агитация ишининг ривожи оммани коммунистик руҳда тарбиялашдаги барча ишлар самарадорлигини оширишни тақазо этади. Шу боисдан ҳар бир коммунист, партия Устави талаб қилганидек, агитатор бўлиши, ҳар бир раҳбар эса тарбиячи бўлиши лозим. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 26 апрелдаги машҳур қарори партия ташкилотларидан айни шу масалага катта эътибор беришни талаб қилади.

Совет жамияти ҳаётидаги шонли сана — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги арафасида агитаторлар олдида партия ташкилотларининг меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳада олиб бораётган ташкилий ва сиёсий ишларини мустаҳкамлаш, барча идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхши йўлга қўйишга кўмаклашишдек муҳим вазифалар турибди.

Агитаторлар идеология ходимларининг энг кўп сонли отрядидир. Узбекистоннинг биргина қишлоқ меҳнат коллективларида 114 мингдан зиёд агитатор ишламоқда. Аммо ҳамма ерда ҳам партия комитетлари ва ташкилотлари агитколлективлардан моҳирлик билан фойдаланишяптими, агитация кадрлари билан ишлашда тўғрилик йўқми, уларнинг ишига мунтазам эътибор берилиб, самарали ёрдам кўрсатиляптими, назарий ва методик ўқувлар қандай олиб бориляпти! деган савол туғилади. Партия комитетлари секретарлари ва бюролари айниқса йилнинг муҳим халқ хўжалик кампанияси — пахта йиғим-терими арафасида бартаҳан тўлқинлантираётган ана шу масалалар тўғрисида ўйлаб кўришлари керак. Энг муҳими — эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаслик, тантанавор тадбирлар тузишга берилиб кетмаслик, аксинча ҳар бир ишда инсонга, унинг ташвишлари, орзу-умидлари ва ташаббусларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Район партия комитетларидан агитаторларни танлаш, тайёрлаш, жой-жойига қўйишдаги ҳар қандай юзакичилик қишлоқларга бархам бериш талаб қилинади. Уларнинг сифат составини мунтазам равишда яхшилаб бориш, оммавий агитация ишларини меҳнат коллективларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш, активларни оператив ахборотлар билан таъминлаб туриш, айниқса уларнинг педагогика ва социал психология, тарбия методикаси соҳасидаги билимларини чуқурлаштириб бериш керак.

Агитаторларнинг иши сермашаққат, айни пайтда фахрли ва олижаноблдир. У ҳар доим кишилар орасида, партия режалари муваффақиятли ҳал этилаётган, партиянинг отаиш сўзи меҳнат ва шахсий ибрат билан мустаҳкамланаётган олдинги сафдадир!

«КАҲРАБО ДОН» БУНЁДКОРЛАРИ!

БИР МИЛЛИОН ТОННА «КАҲРАБО ДОН» ТАЙЁРЛАНИБ, ДАСТЛАБКИ УЛКАН МАРРА ЭГАЛЛАНДИ. НАВБАТДАГИ ВАЗИФА — ИККИНЧИ МИЛЛИОННИ ЗАБТ ЭТИШГА ⊙ БУНИНГ УЧУН УРИМ-ПИҒИМ АГРЕГАТЛАРИДАН ЯНАДА УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК ⊙ БОИЛИГИМИЗ БЎЛГАН ДОННИНГ БИР МИСҚОЛИНИ ҲАМ УВОЛ ҚИЛМАЙЛИК.

МИРИШКОР САБЗАВОТКОР ВА БОҒБОНЛАР!

МАҲСУЛОТЛАРНИ ДАЛАДАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАРНИ КЎРИНГ! ⊙ БИРОР КИЛОГРАММ ҲАМ САБЗАВОТ, МЕВА, УЗУМ НОБУД БЎЛМАСИН. ҲОСИЛНИ ПИҒИШТИРИБ ОЛИШ БИЛАН БИРГА КЕЧКИ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШНИ ҲАМ УНУТМАЙЛИК.

Гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз. СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейи шарафига зиммаларига ана шундай мажбурият олган ҳолда меҳнат қилишаётган Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози заршуносларн мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Хўжаликда ғўза парваришн ҳар тарафлама уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айни пайтда пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти.

Суратда: (чапдан колхоз раиси Н. Мадаминов, пешқадам бригада бошлиғи Х. Тўраҳўжаев ва илғор механизатор А. Эргашев ўртоқлар ҳосил чўғини чамалаб кўришмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ҚАРАМАЙ

Хўжалик далаларида 200 дан кўпроқ сувчи кечаю-кундуз меҳнат қилмоқда. Улар суғориш ишлари самарадорлигини оширш ва сувни тежаш учун тунги суғоришка катта эътибор бермоқдалар. Шарват усулида суғориш вақтида солинадиган органик ўғит миқдори кўпайтирилди. Сув етишмаётганлигига қарамай, совхозда мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Совхоз пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак мажбуриятлар бажарилишига ишонадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

«Дўстлик» совхозининг йигирма бир нафар пахтакорига «Уста сувчи» номи берилди. Хўжалик мутахассисларидан иборат комиссия уларнинг даладаги зарбдор меҳнатини ана шундай баҳоладн. Мукофотланганлар орасида — Одилбек Аҳмедов, Мамаюнус Абдурахимов, Боятахўжа Ғиёсов ва ўз таж риба ва меҳнатсеварлигини сув танқислигига қарши қўйган бошқа сувчилар бор.

ДЕФОЛИАЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАМ ТЕЗ, ҲАМ СИФАТЛИ

Қарши даштида жазирама офтоб пахтанинг етилишини тезлаштирди. Ниҳолт ҳосилни машинада териб олишга тайёргарлик кўриш соҳасида муҳим босқич бошланди: дефолиацияга киришилди. Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомат Алматов бригаласининг пахтазорларида биринчи хиҳиявий «ёмғир» ёғиб ўтди. Бу коллектив 100 гектарлик эски бедапоя ўрнида «оқ олтин» етиштирмоқда. Деҳқонлар пахта етиштиришнинг «Тошкент технологияси»ни қурол қилиб олиб, ғўзани парвариш қилиш соҳасидаги ишларнинг бутун комплексини агротехника жиҳатидан юксак савияда ва энг яхши муддатларда ўтказдилар.

Бригада далаларига чанглатгич-пуркагич асбоблари бўлган иккита трактор чиқарилди. Механизаторлар пахтазорни химиявий препаратлар билан тез ва юқори сифатли дориламоқдалар. Бу йил дефолиация қилишнинг ерда бажариладиган усулини шу районнинг ҳамма хўжаликларида кенг жорий этишга қарор қилинди. Бу ерда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида пахта териш машиналарини одатдагидан анча илгари далага чиқариш белгилаб қўйилган.

Муборак районининг қўриқ хўжаликларида ҳам дефолиация бошланди. Қашқадарё областида бу йил ҳаммаси бўлиб 180 минг гектар ерда дефолиация ўтказилади. Қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари, шу жумладан Россия Федерациясидан келган авиаторлар пахтакорларга ёрдам берадилар.

Ғўзани дефолиация қилаётган агрегатлар Сурхондарё областининг далаларига ҳам чиқарилди. Бу ерда шу мўҳим иш бу йил бултургидан уч ҳафта аввал бошланди. Ғўзанинг яхши ривожланиши мана шу муддатларни такозо этди! Бу областда қўрик Ленин йўли районининг «Тошкент» совхози деҳқонлари далаларни машина терими учун биринчи бўлиб тайёрлай бошладилар. Шу йил ташкил этилган хўжаликда 430 гектар янги ерга чигит экилди. Ҳамма майдонлаги ҳосилни машинала териб олишга қарор берилган. Хўжаликда дефолиация қилиш ишлари юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. А. Абдурахмонов, К. Авлиёқулов, А. Холмуродов бригадаларининг далалари тўла-тўкис дориланиб бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, иш юқори сифатли бажарилган.

Қўриқдаги бошқа бир хўжалик — Қумқўрғон районининг «Пахтакор» совхозида ҳам дефолиацияга киришдилар. Бу ерда ҳам тез ва юқори сифатли дориламоқдалар. Бу йил дефолиация қилишнинг ерда бажариладиган усулини шу районнинг ҳамма хўжаликларида кенг жорий этишга қарор қилинди. Бу ерда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида пахта териш машиналарини одатдагидан анча илгари далага чиқариш белгилаб қўйилган.

Муборак районининг қўрик хўжаликларида ҳам дефолиация бошланди. Қашқадарё областида бу йил ҳаммаси бўлиб 180 минг гектар ерда дефолиация ўтказилади. Қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари, шу жумладан Россия Федерациясидан келган авиаторлар пахтакорларга ёрдам берадилар.

Ғўзани дефолиация қилаётган агрегатлар Сурхондарё областининг далаларига ҳам

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев 20 август куни Қримда МХРП Марказий Комитети Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал билан учрашди.

Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Монголиянинг социал-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, икки томонлама мунасабатларнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар.

Совет-Монголия ҳамкорлиги йил сайин тобора чуқур ва сермазмун бўлиб қолмоқда. Иқтисодий соҳадаги алоқалар миқдор жиҳатидан ўсмоқда ва энг муҳими шуки, бу алоқаларнинг самараси ортиб бормоқда. Совет-Монголия корхоналари — «Эрдэнэт» комбинати ва «Монголсовцветмет» бирлашмаси муваффақиятли ишлаб турибди. Утган йили товар оборати юзасидан ўзаро олинган мажбуриятлар тўлагина эмас, ошириб ҳам бажарилди.

1976 йилдан бошлаб, яъни ҳар томонлама Совет-Монголия ҳамкорлиги программаси қабул қилинган пайтдан буён МХРда Совет Иттифоқининг ёрдами билан 185 та муҳим халқ хўжалик объекти ишга туширилди ва яна 160 дан ортиқ объект қурилиши кучайтириб юборилди. МХРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош схемасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш учун заминлар вужудга келтирилди.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал Осиё ва Яқин Шарқдаги вазиятга катта эътибор бердилар. Бу районлар кучайиб бораётган халқаро кескинликдан четда қолмайди. Бу ерда халқлар жафо чекаётган кўпгина можаролн вазиятлар сақланиб қолмоқда.

Яқин Шарқ неча ўн йиллардан буён тинчлик нималигини билмайди, урушлар ўртасидаги давридагина қисқа танаффус бўлиб туради. Фаластин араб халқининг ҳозирги фожиаси, Ливан фожиаси Кэмп-Дэвидга ўхшаш битимларнинг табиий мантиқий оқибатидир. Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка Исроил ўзи учун таклиф олган сенерат битимлар орқали ҳам, талончилик, зўравонлик ва қиргинчилик йўли билан ҳам эришиш мумкин эмас. Можаронн сиёсий жиҳатдан кенг кўламда адолатли бартараф қилишгина Яқин Шарқ она юрти бўлиб қолган барча халқларнинг ҳаётий ҳуқуқларини мустаҳкам равишда таъминлай олади.

Эрон билан Ироқ ўртасида давом этаётган урош бу региондаги вазиятни хатарли равишда мушкуллаштиради ва ҳар икки мамлакатнинг манфаатларига шубҳасиз, зиддир. СССР ва МХР ана шу икки қўшни давлат ўртасидаги низоли проблемаларнинг сиёсий жиҳатдан ҳал этилишини табриклаган бўлур эди.

Совет Иттифоқи билан Монголия Хинди-Хитойдаги уч мамлакатнинг яхши ниятн билан яқинда қилган ишларини — Вьетнам қўшинлари қисмларининг Кампучия Халқ Республикасидан олиб кетилганлигини, АСЕАН мамлакатлари, Хитой ва бошқа қўшни давлатлар билан мулоқотни кучайтириш соҳасида кўрилган конструктив амалий тадбирларни мамнуниятн билан қайд этадилар.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси шунга асосланадики, Узоқ Шарқ регионидагн давлатлар ўз муносабатларини фақат яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларн асосидагина уюштира оладилар. Томонлар чинакам манфаатдор бўлган, нотўғри фикрлар ва ишончсизликдан воз кечилган тақдирда музокаралар йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлмаган проблемалар йўқ.

СССР билан МХР вазиятни кескин равишда яхшилашга олиб борадиган йўлларни шу регондаги манфаатдор барча давлатлар билан биргаликда муҳокама қилишга тайёр эканликларни изоҳ қиладилар. Бундан мақсад — халқларнинг социал-иқтисодий тараққиёт вазифаларини ҳал этишга кўпроқ эътибор бера олишлари учун имконият яратишдан ва ўз хавфсизлигини таъминлаш учун якка тартибда ва биргаликда кучғайрат сарфлашни жуда оз даражага келтиришдан иборат.

Ю. Цеденбал Л. И. Брежневнинг Тошкентда сўзлаган маълум нутқида Хитой тўғрисида айтилган фикрларга МХР тамомила қўшилади, деб таъкидлади.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбалнинг учрашуви самимий дўстона муҳитда ўтди ва қарашларнинг тамомила бирлигини кўрсатди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов қатнашди.

(ТАСС).

ХИМИЯЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

18—20 август кунлари Харьковда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, район партия комитетлари секретарларининг, бир қанча министрликлар ва идоралар раҳбарлари «Союзсельхозхимия» системаси ходимлари, қишлоқ хўжалиги олимлари ва мутахассисларининг Бутуниттифоқ семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган талаблар асосида қишлоқ хўжалигини химиялаштириш самарадорлигини ошириш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш илмий бирлашмасининг раиси — СССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари В. П. Никонов кенгашда доклад қилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари айтдиларки, партиянинг химия индустриясини ривожлантириш, қишлоққа минерал ўғит, химиявий мелиорантлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини кўпроқ етказиб бериш соҳасида кўраётган тадбирлари деҳқончиликнинг энг муҳим вазифаси — унинг кенг кўламда барқарор ва маҳсулдор бўлишини таъминлаш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Химиялаштиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишдаги ролини юксалтириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу беш йилликда химиялаштириш самарадорлигини пасайтирадиган нуқсонларни тугатиш, барча колхоз ва совхозларда олинадиган ҳар бир килограмм ўғит самарасини ошириш лозим. Амалда бунга эришиш учун минерал ўғитдан фойдаланишнинг прогрессив технологиясини янада кенгроқ кўламда жорий этиш, экинга бериладиган элементлар мувозанати бузилишига йўл қўймаслик, ўғит нобудгарчилигини барҳам бериш, унинг ҳосилини сақланишини таъминлаш лозим.

Ҳар бир хўжаликда органик ўғитдан янада тўлароқ ва мақбулроқ фойдаланиб ҳосилига далаларнинг унумдорлигини ошириш, торф, оҳак материал, фосфорит талқони ва бошқа хил ўғитлардан фойдаланиб, компостлар тайёрлаш ишларини кенгайтириш зарур.

«Союзсельхозхимия» ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш йўллари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Бу ташкилотлар мамлакатда агрохимия ишларини ўтказишнинг ҳақиқий ташкилотчилари, далалар ҳосилдорлигини ошириш учун курашда колхоз ва совхозларнинг ҳамкорлари бўлиб қолмоғи керак.

Агрохимия ишларини бажарадиган серунум техникани суст яратаётганлиги ва уларни етарлича ишлаб чиқармаётганлиги учун машинасозлик министрликлари шаънига айрим корхоналари ўғит етказиб бериш планларини бузаётганлиги учун Химия саноати министрлиги ва ўғит министрлиги шаънига, вагон бериш графигини бузаётганлиги учун Темир йўллар министрлиги шаънига ҳамда агрохимия хизмати машиналарини ўз вақтида ремонт қилиб бера олмаётганлиги учун «Госкомсельхозтехника» шаънига эътирозлар билдирилди.

1983 йилда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширувчи сўзсиз шартлардан бўлмиш минерал, органик ўғитдан, оқилона материаллардан, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда ушбу хизматнинг замонавий моддий-техника базасини яратиш борасидаги иш тажрибалари билан танишдилар.

Кенгаш ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, СССР министрлари Н. Ф. Васильев, А. А. Ежевский, Н. Т. Козлов, В. К. Месяц, А. Г. Петришчев, «Госкомсельхозтехника» сининг раиси Л. И. Хитрун, СССР Госплани раисининг ўринбосари П. А. Пасхарь, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Халқ контроли комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

НАМАНГАН САХОВАТИ

СССР Озиқ-овқат программаси коммунистик мулкчилик яратишнинг ёрқин йўлидир. Бу программани тўла амалга ошириш эса умумхалқ ишига айланди. Эндиликда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, сақлаш, истеъмолчига етказиб бериш ишлари комплекс тарзда ҳал қилинмоқда.

Тўғри, аввалги йилларда ҳам областимизда мева, сабзавот, маҳсулотлари етиштириш салмоқли ўринни эгаллади. Аммо бу маҳсулотни асраш, қайта ишлаш даражаси шу кунгинг талабларига жавоб бермас эди. Масалан, битта хўжалик олма, яна биттаси узум етиштирарди. Маҳсулот шу ернинг ўзида қайта ишланмаслиги оқибатида унинг кўпчилик қисми нес-нобуд бўларди. Пировард натижада хўжалик мулжалдаги даромадни ололмасди.

Озиқ-овқат программаси бу соҳадаги барча проблемаларни, чигалликларни ечиб берди. Эндиликда ихтисослаштирилган совхозларда етиштирилаётган мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари областимизнинг ўзида қайта ишланиб, аҳолига етказиб берилмоқда. Бу биринчидан ишчи кучларидан рационал фойдаланишга олиб келяпти, сарф-харажатларни кескин камайтиряпти, соф даромадни кўпайтиряпти. Энг муҳими аҳолининг эҳтиёжи қондириляпти.

Бирлашмамиз 34 та ихтисослашган совхозни, 5 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхонани жамлаган. Қисқа вақт ичида 6,5 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Янгидан 10 минг гектар узумзор ва 3 минг гектар боғ барпо қилинди. Шундай қилиб жами узумзорлар 13 минг гектарга, боғлар эса 9,5 минг гектарга етди. 15 та йирик насос станциялари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ишчи ва хизматчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 40 минг квадрат метр турар-жой бинолари қурилди. Умуман, кейинги 4 йил мобайнида 100 миллион сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ҳозирги кундаги асосий вазифамиз нималардан иборат? Янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига мевазор ва узумзорларни кенгайтириш, маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш, маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналар қувватини ошириш, меҳнаткашларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш бош вазифамиз ҳисобланади.

Мана шу кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш мақсадида 75 гектар майдонда ток, 20 гектар майдонда эса турли мева кўчатларини парвариш қиляпмиз. Шу жойдан 3,5 миллион туп хўраки ва кишмишбоп узум кўчати етиштирамиз. Тўрақўрғон районидаги Ленин номли совхозда эса 1 гектар майдонда бир миллион дона ток кўчати ўстирямиз. Мана шундай йўл билан кўчатга бўлган талабимизнинг 75 процентини ўзимиз қондирамиз.

«Шербулоқ» совхозида турли мевали дарахт ва узум кўчати етиштириладиган питомник ташкил этамиз. Ҳозирги кунда 40 гектар майдонда 5 миллион дона узум қаламчасини парвариш қиляпмиз.

1990 йилга бориб янги узумзорлар 23 минг гектарга етказилади. Шундан 12 минг гектарида узумнинг кишмиш ва хўраки навлари етиштирилади. Шундай қилиб янгидан бир нечта ихтисослашган узумчилик совхозлари ташкил этилади.

Яқинда 5729 гектар боғда ва 3383 гектар токзорда инвентаризация ўтказдик. Пландагидан 20—22 процент кўчат кам чиқди. Демак, шу ҳисобига 2 минг гектар майдон бўш ётганлиги аниқланди. Шу майдонга ҳам қайтадан кўчат экиб, умумий майдонни тўлдирдик.

Олдимиздаги асосий вазифалардан бири ҳосилдорликни ошириш масаласидир. Бунинг учун боғ ва узумзорлар парваришини кишинёзин кучайтириш, мана шу соҳала тўпланган бой тажрибаларни оммалаштириш, хўжаликларни малакали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлашни янада яхшилашимиз зарур.

Янгиқўрғондаги мева ва сабзавотчилик техникуми ўрта звено кадрларини тайёрлаб беради. Олий малакали мутахассис кадрларни эса ўзимиз саралаб, совхозлар ҳисобидан олий ўқув юртларида ўқитямиз.

Ҳосилдорликни оширишнинг имкониятлари кўп. Мана биргина мисол, Ленин номли совхоз-заводда ҳар гектар майдондан 186 центнердан узум ҳосили олингани ҳолда «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозида 55 центнердан узум ҳосили олинди. Рақамлар орасидаги фарқни таҳлил қилиб ўтиришга асло ҳожат йўқ. Демак, ҳосилдорликни 2—3 баробарга кўтариш мумкин. Бунинг учун ҳамма хўжаликларда меҳнатни Озиқ-овқат программасида талаб қилинаётган даражада ташкил қилиниши зарур.

1985 йилга бориб бирлашмамизда картошка етиштириш 35 минг тоннага ёки 3 баробарга, узум ишлаб чиқариш 165 минг тонна ёки 10 баробар, мева 2 мартага, сабзавот —1,5 мартага кўпаяди. Шунда Умумиттифоқ фонди ва Тошкент шаҳрига 45—50 минг тонна узум, 20—25 минг тонна мева жўнатиш имкониятига эга бўламиз.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, асраш, қайта ишлаш бутун бир занжирни ташкил этади. Унинг бирор халқаси бўш бўлса, демак, бу бошқа халқаларга ҳам таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун барча тармоққа бир хил диққат-эътибор билан қараш зарур.

Ўн биринчи беш йилликда областимизда етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашнинг катта программаси амалга оширилади. 6,5 минг тонна маҳсулотни сақлайдиган, совитиб турадиган махсус бинолар қурилади. Чортоқ шаҳрида эса 60 миллион шартли банка мева ва узум шарбати ишлаб чиқарадиган консерва заводи ишга туширилади. Яқин йилларда 8 миллион дона махсус яшчик тайёрлайдиган завод қурилади. Наманган винзаводи қайта реконструкция қилинади. Чуст районидаги «Коммунизм», Косонсой районидаги «Шарқ юлдузи», Чортоқ районидаги «Ўзбекистон» совхозларида ҳар бири 10 минг тонна узумни қайта ишлайдиган вино пунктлари қурилиб тўла қувват билан ишлай бошлайди. Тўрақўрғондаги қуруқ мевалар заводининг қуввати эса 6 минг тоннадан 20 минг тоннага етказилади ва республикамизнинг кўпчилик областларида мазкур соҳада ишлаётган бир нечта ихтисослашган совхозлар ташкил этилади.

Ҳозирги кунда 12 та клуб, 13 та маиший хизмат кўрсатиш комплекс қабулхоналар, 5 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, 19 та коммунал пункт, 80 та болалар боғчалари, 2 та пионер лагери меҳнаткашлар хизматида. Айни кунларда эса 6 та болалар боғчаси, 2 та мактаб, 3 та фельдшер акушеркалик пункти, 350 ўринли пионер лагери қурилмоқда. Мазкур беш йилликда эса 45 минг квадрат метр турар-жой, 80 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, 16 та комплекс қабул пунктлари, 21 та болалар боғчаси, 2 та пионер лагери, 1 та профилакторий қурилиб фойдаланишга топширилади.

Шу ўринда баъзи талабларимизни ҳам ўртага ташламоқчимиз. Маълумки, янги ташкил этилган совхоз посёлкаларини қуришнинг комплекс лойиҳаси амалга оширилянти. Айниқса, турар-жой биноларини қуриш жуда суст олиб борилянти. Янги совхозларни комплекс қилиб қуриш ишида республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бизга ёрдамни кучайтирса айни мўлдао бўларди. Уларнинг ёрдамисиз бу ишга беш йиллик сўрётини беролмаймиз.

Иккинчи бир истагимиз шуки, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарининг қурилиши ҳам суст боряпти. Бу ишда эса республика мева ва сабзавот хўжалиги министрлигининг ёрдамига муҳтожмиз.

Бу йил бирлашмамиз меҳнаткаштлари зиммаларига жуда катта социалистик мажбуриятлар олганлар. Улар 29 минг 140 тонна мева, 33 минг 850 тонна узум, 47 минг 225 тонна сабзавот, 17 минг 460 тонна картошка, 2 минг 729 тонна гўшт, 10 минг 20 тонна сут, 4 миллион 585 минг дона тухум етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилишяпти.

Мақсадимиз битта: партиямизнинг Озиқ-овқат программасини энг муҳим қисмидир. Бирлашмамизга қарашли совхозларда чорванинг барча турлари бўйнча катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Завод ва қабул пунктларида эса чорвачилик ёрдамчи хўжалик сифатида ривожланяпти. Янгиқўрғон районида асаларичилик совхози ташкил этилди ва бу совхоз шу йилнинг ўзида 28,2 тонна асал етиштиради.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида меҳнаткашларга яратилган қулай шароитлар Озиқ-овқат программасини тўла амалга оширишнинг ҳал қилувчи омилларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳозирги кунда 12 та клуб, 13 та маиший хизмат кўрсатиш комплекс қабулхоналар, 5 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, 19 та коммунал пункт, 80 та болалар боғчалари, 2 та пионер лагери меҳнаткашлар хизматида. Айни кунларда эса 6 та болалар боғчаси, 2 та мактаб, 3 та фельдшер акушеркалик пункти, 350 ўринли пионер лагери қурилмоқда. Мазкур беш йилликда эса 45 минг квадрат метр турар-жой, 80 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, 16 та комплекс қабул пунктлари, 21 та болалар боғчаси, 2 та пионер лагери, 1 та профилакторий қурилиб фойдаланишга топширилади.

Шу ўринда баъзи талабларимизни ҳам ўртага ташламоқчимиз. Маълумки, янги ташкил этилган совхоз посёлкаларини қуришнинг комплекс лойиҳаси амалга оширилянти. Айниқса, турар-жой биноларини қуриш жуда суст олиб борилянти. Янги совхозларни комплекс қилиб қуриш ишида республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бизга ёрдамни кучайтирса айни мўлдао бўларди. Уларнинг ёрдамисиз бу ишга беш йиллик сўрётини беролмаймиз.

Иккинчи бир истагимиз шуки, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарининг қурилиши ҳам суст боряпти. Бу ишда эса республика мева ва сабзавот хўжалиги министрлигининг ёрдамига муҳтожмиз.

Бу йил бирлашмамиз меҳнаткаштлари зиммаларига жуда катта социалистик мажбуриятлар олганлар. Улар 29 минг 140 тонна мева, 33 минг 850 тонна узум, 47 минг 225 тонна сабзавот, 17 минг 460 тонна картошка, 2 минг 729 тонна гўшт, 10 минг 20 тонна сут, 4 миллион 585 минг дона тухум етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилишяпти.

Мақсадимиз битта: партиямизнинг Озиқ-овқат программасини энг муҳим қисмидир. Бирлашмамизга қарашли совхозларда чорванинг барча турлари бўйнча катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Завод ва қабул пунктларида эса чорвачилик ёрдамчи хўжалик сифатида ривожланяпти. Янгиқўрғон районида асаларичилик совхози ташкил этилди ва бу совхоз шу йилнинг ўзида 28,2 тонна асал етиштиради.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларида меҳнаткашларга яратилган қулай шароитлар Озиқ-овқат программасини

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ ҲАЛ ЭТИШНИ ОЛҒА СИЛЖИТИШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТИ ИСТЕЪМОЛЧИГА ЕТИБ БОРАДИГАН БУТУН ЗАНЖИРНИНГ ҲАММА ХАЛҚАЛАРИГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР.

Л. И. БРЕЖНЕВ,

Б. РАПИГАЛИЕВ,
Наманган область аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.



«Чирчиксельмаш» заводи машинасозлари бу йил пахтакорларга 2400 та кўрак узиш машиналарини етказиб беришга ахд қилишган. Ана шу мақсад йўлида корхона цехларида, ишлаб чиқариш участкаларида фидокорона меҳнат қизғин давом этмоқда. Ҳар куни заводнинг тайёр маҳсулотлар майдонидан «Госкомсельхозтехника» адресига қўплаб кўрак узиш машиналари жўнатиляпти.

Суратда: тажрибали слесарь Ёрмамат Бекмуродов жўнатиш олдидан машиналарни сўнгги бор назоратдан ўтказмоқда.

В. Сироткин фотоси.

«ШИРИНОБОД» ШОВВОЗЛАРИ

«Ширинобод» совхози Толимаржон районидаги йирик боғдорчилик хўжаликларидан биридир. Совхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини изчил ҳаётга тадбиқ эта бориб давлатга мўл-кўл сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бермоқдалар. Бу борада совхознинг Қудрат Мусаев бошчилик қилаётган бригадаси соҳибкорларининг иши диққатга сазовордир. Аҳил коллектив 120 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Ҳар гектар ердан 200 центнердан зиёд сабзавот ва кўплаб полиз маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириш ва давлатга шараф билан адо этдилар.

Айни кунларда картошка йиғиштириб олиш ҳам қизғин. Картошка агрегатлар ёрдамида саранжом-саришталанмоқда. Бунда моҳир механизатор Мухтор Сувоновнинг иши диққатга сазовор бўляпти. У картошка кавлашда кунлик иш нормасини мунтазам ошириб бажаришга эришмоқда. Картошкадан бўшаган майдонларга эса кечки сабзавот маҳсулотлари экиляпти.

Бундан ташқари, бригаданинг 80 гектарлик токзори мавжуд. Соҳибкорлар бу майдондан 60 тонна узум етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳозир пишиб-етилган узумларни узиш ҳам жадал суръатда бошлаб юборилди. СССР 60 йиллиги шарафига бригада сабзавоткор ва полизкорлари давлатга икки план миқдорида ҳосил топшириш, шу йўл билан халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш учун курашмоқдалар.

Ш. СУЛТОНОВ.

ЭЗГУ МАҚСАД САРИ

Киров районидаги «Искра» колхози пахтакорларининг бу йилги ниятлари юксак: 1000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш. СССРнинг шонли 60-йиллик юбилейи шиносланадиган йилда зиммадаги мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш мақсадида ғўза парвариши зўр уюшқоқлик билан давом эттирилиб, шу кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланилмоқда.

Хўжаликда бутун куч ва имкониятлар, техника воситалари ғўза парваришига тўла сафарбар этилган. Мавжуд 28 та чопиқ трактори ёрдамида ҳар кўни 85—90 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига комплекс ишлов берилаётир. 145 нафар миришкор сувчи эса икки сменада ишлаб, ғўзаларни оби-ҳаётга қондиришда фидокорлик кўрсатишмоқда. Колхоз далаларида ғўзаларни «шарбат» усулида суғоришга алоҳида эътибор берилянти.

Бригадалар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада 55—60 центнерчи, икки марта Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Тўхтақўзи Росабоев, Муҳаммаджон Тўхтасинов, Ниёзали Аҳмедов, Хайдарали Раимов, Фозилжон Маматаминов ва Омонжон Қодиров ўртоқлар бошчилик қилаётган аҳил коллективларнинг заршунослари илғорлик қилмоқдалар.

—Август —ҳосилга ҳосил қўшишда ҳал қилувчи ой, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Абдуллажон Маҳкамов суҳбатда. — Биз бу даврда барча майдондаги ғўза қатор ораларига яна икки марта комплекс ишлов бериш, икки марта «шарбат» оқизиш учун курашмоқдамиз. Бу ишларда, айниқса, Отақўзи Маматов, Қўчқорали Аҳмедов, Нажмиддин Исоқов, Аминжон Одилов сингари «дала гвардиячилари», Боқижон Мансуров, Абдумажид Дўстматов, Насриддин Имомов, Нурмат Пирматов, Алибой Шамшиев каби тажрибакор сувчиларимиз фидокорлик кўрсатишяпти.

Колхозда ғўза парваришини бир зум ҳам бўшаштирмай давом эттириш, юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўплаш билан бирга пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Техника устахонасида иш қизғин. Терим агрегатлари, транспорт воситалари сифатли ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига келтириб қўйилмоқда. Дала йўллари, кўприклар, ҳирмонларни созлаш намунали олиб борилмоқда.

А. УЗОҚОВ.

СУТ СОҒУВЧИЛАРНИНГ ЯНГИ МАЖБУРИЯТИ

Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг сут-товар фермаси тепасида алвон байроқ ҳилпирайди. Байроқ СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига район сут соғувчилари мусобақасида пешқадамлик қилган Қимматхон Ҳусанова шарафига кўтарилди.

Қимматхон она йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён сут соғувчи бўлиб ишламоқда. У ўз ишининг устаси. Эндиликда тажрибали сут соғувчи ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатмоқда. Унинг шогирдлари Зайнабхон Латипова билан Дилором Зайнобуддиновалар ҳар куни ҳар бош сигирдан ўн икки килограммгача сут соғиб олишга эришмоқдалар.

Қ. Ҳусанова ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, янги оширилган мажбурият қабул қилди: у ҳар бош сигирдан тўрт минг килограммдан — белгиланганидан минг килограмм кўп сут соғиб олишга ахд қилди.

(ЎзТАГ мухбири).



Андижон область Москва районидаги «Октябрь» колхозининг 5-бригада пахтакорлари дала шийпони ёнидаги ҳовузни кенгайтириб, ўрдак боқишни йўлга қўйдилар. Ҳозир бу ерда 300 бошдан ортиқ ўрдак асраляпти. Чорвачиликнинг тез етилувчан бу тармоғи бригада аъзоларига тушлик пайтида иссиқ овқат тайёрлаш учун жуда асқотяпти.

Суратда: бригада ошпази Иноятхон Насриддинова.

Ж. Тўраев фотоси.

ЧУЛҚУВАРЛАР НЕГА РАНЖИШМОҚДА?

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ

Шеробод чўлида ташкил этилган «Октябрь 60 йиллиги» совхозида бу йил олтинчи бор деҳқончилик қилинмоқда. Хўжалик меҳнаткашларининг биринчи йил деҳқончилик қилишни қай шароитда бошлаганликлари жуда яхши эсимда. Областимиз бошқа хўжаликларида ёўзалар гуллай деб қолганида мазкур совхозда ерга экди барака уруғи ташланган эди. Совхоз раҳбари учун даланинг ўзи иш кабинети эди, десак муболаға бўлмас. Чунки совхоз директори бўлим бошқарувчилари, бош мутахассислар билан биргаликда эртаги ишларни дала бошида режалаштириб оларди. Шундай шароитда меҳнат қилган совхоз меҳнаткашлари биринчи йилиёқ давлатга 1647 тонна пахта топширишди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 14 центнерни ташкил этди.

Орадан бир йил ўтгач, совхозда бўлиб, чўлқуварларнинг меҳнати, уларга яратилаётган шароит, қурилиш ишлари кўлами билан танишиб, бу ҳақда газетхонларга ҳикоя қилган эдик.

—Газетанинг совхозимизда қурилиш ишларининг олиб борилиши тўғрисидаги чиқиши анча яхши самара берган эди, — деб қолди совхоз директори Очил Зиёқулов. — Қурилиш ишлари дастлабки пайтларда бирмунча жадал борди. Уй-жойлар қурилиши суръати тезлаштандек бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай нима бўлдию, қурилиш ишлари сусайиб кетди. Совхоз эса бундан олти йил олдинги хўжалик эмас.

Ҳақиқатан ҳам «Октябрь 60 йиллиги» совхози бундан олти йил олдинги совхозга сира ўхшамайди. Жуда қисқа вақт ичида янги хўжалик нафақат оёққа туриб олди, балки областдаги байроқдор хўжаликлардан бирига айланди. Хўжалик меҳнаткашлари сурункасига уч йилдан буён республика социалистик мусобақаси голибидир. Биринчи йили 1,6 минг тонна пахта топширган совхоз пахтакорлари ўтган йили давлатга 9356 тонна «оқ олтин» армуғон этишди. Ҳосилдорлик беш йилда икки баробар кўпайди. Ўтган йили топширилган пахтанинг 6 минг тоннасини ипак пахта ташкил этди. Хўжалик ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишдан 9 миллион сўм даромад қилди. Соф фойданинг ўзи 1,5 миллион сўмни ташкил этди. Бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Чўлда меҳнат қиламан, деб келган оловқалб кишиларнинг шижоати, жасорати туфайли эришилаётган ютуқлар бу.

Ҳозир совхоз меҳнаткашлари 3300 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Совхоз саршунослари юбилей йилида она-Ватанга 10 минг тонна пахта етказиб беришга ахд қилганлар. Хўжаликда фақат пахтачилик эмас, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. 300 гектар майдондаги бошоқли дон йиғиштириб олинди. 260 гектар ерда эса маккажўхори етиштирилди. 1978 йилдан бошлаб эса хўжаликда чорвачилик ташкил этилган. Ҳозир 400 бош қорамол, 375 бош чўчқа, 800 бош қўй, 11 минг парранда парвариш қилинянти. Ўтган йили хўжалик чорвадорлари давлатга 44,5 тонна гўшт топширдилар. Бу йилнинг олти ойидаёқ давлатга топширилган гўшт 52,5 тоннани ташкил этди. Ҳозиргача 40 тонна сут ҳам топширилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан қариб икки баробар кўпдир. Кўриниб турибдики, хўжаликнинг юксалиш одимлари ёмон эмас. Чўлқуварлар иссиқни-иссиқ дейишмасдан, совуқни-совуқ дейишмасдан меҳнат қилишиб, ана шундай қувонарли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ютуқлар ҳозиргига қарагандa ҳам салмоқлироқ бўлиши мумкинмиди?

—Албатта, —дея суҳбатни давом эттирди совхоз директори. —Одамларимиз жуда меҳнаткаш. Лекин яхши меҳнат қилиш учун, яхши шароит ҳам керак-да. Даставвал хўжалик механизмини юритиш учун зарур бўлган шароитлар ҳақида икки оғиз фикр юритмоқчиман. Мана, олти йилдан буён совхоз маъмурий идорага эга эмас. Ишлаб чиқариш нуқтаи назардан фикр юритилиган бўлсак, чўлда меҳнатнинг 80—90 фойзини техника ёрдамида бажарамиз. Ишчи кучи етишмайди. Лекин жуда катта миқдордаги техника воситалари очиқ жойда ётганлигини кўриб, ич-ичимиздан ачинамиз, уларнинг умрига завол бўлаётирмиз, деймиз. Лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Қурувчиларнинг эса парвойи палак. Марказий ремонт устахонасига эга бўлмасдан туриб, техникадан самарали фойдаланиш хусусида сўз юритиш мумкинми? Албатта йўқ. Еки чорвачилик комплекслари қурмасдан туриб давлатга кўп гўшт, сут, тухум етказиб бериш тўғрисида гап юритиш мумкинми? Йўқ. Молхона ёки чўчқахона қурилишини кутиб турганимизда ҳозирга қадар ҳам хўжаликда чорва туёғи бўлмасди. Биз ҳашар йўли билан маҳаллий материаллардан молхона ва чўчқахона қуриб, чорвачиликни ташкил этдик. Паррандахона ҳам худди шу йўл билан қурилди. Эҳтимол, қурувчилар буни кўришиб, ҳамма ишни совхознинг ўзи қилиб олар-канда, деган кайфиятда бўлаётганликлари ҳам мумкин. Лекин бизнинг вақтинча қурганимиз бўлак, уларнинг лойиҳа асосида замонавий ва пишиқ қилиб қурганлари бўлак-да.

Турар-жой бинолари қурилиши тўғрисида ҳам худди шундай муаммолар мавжуд. 11-қишлоқ қурилиши трести ўз қарашли 9-механизацилашган кўчма колонна қурувчилари совхоз ташкил этилгандан бўён 51 та уйни қуриб фойдаланишга топширдилар. Бу уйларда ҳозир 102 оила истиқомат қилмоқда. Совхозда эса ҳозир 900 га яқин оила бор. Уларнинг кўпчилиги Термиз, Ангор, Бойсун, Шеробод районнинг бошқа хўжаликларидан қатнаб ишлайдилар. Қатнаб ишлашнинг ўзи бўлармиди? Биринчидан, давлат ҳар куни қимматли соатларни йўқотса, иккинчидан, қатнаётганларнинг йўл ташвиши ҳам уйдан кам эмас. 1981 йили эса бор-йўғи олтита турар-жой биноси қуриб берилди. Қурувчилар ҳар йили совхозимизда қариб бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари планлаштирилади. Бу план бир йил ҳам ёлчитиб бажарилмади.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган СССРнинг Озиқ-овқат программасида қишлоқ қурилишини жадал суръатлар билан олиб бориш алоҳида-вазифа қилиб қўйилган. «Колхозлар ва совхозларда якка тартибда уй-жой қурилиши кенгайтирилсин. Уй-жой қураётганларга молиявий ва моддий ресурслар билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатилсин. Планларда мана шу ишларга зарур миқдорда қурилиш материаллари ажратиб бериш кўзда тутилсин», деган сўзлар қишлоқ меҳнаткашлари дилидаги гаплар, албатта. Ҳақиқатан ҳам, якка тартибда қурилишни ривожлантириш ҳар жиҳатдан маъқул. Гап қурилиш материали таъминотида. Қурилиш материаллари таъминоти яхшиланса, фақат бизнинг хўжалигимизда эмас, балки ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам турар-жой бинолари қурилиши муаммоси ижобий ҳал бўларди. Бунинг учун бизнинг районимизда ҳам қурилиш материаллари билан савдо қиладиган база ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Уй-жой қуриш учун эса халқимизда иштиёқ, қизиқиш катта. Маблағ ҳам етарли. Совхоз сувчилари, механизаторлари яхши маош олишяпти. Ўтган йили 9 миллион сўм даромад қилинган бўлса, унинг 4 миллион сўми совхоз меҳнаткашларига ойлик маош, мукофот тарзида берилган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчилан, чўл шароитида якка тартибда уй-жой қурилишини яхшилашнинг ўзи чўлда ишчи кучига бўлган талабни ижобий ҳал қилади. Ҳозиргача одамларимиз «Бугун бу ерда ишласам, эртага бошқа ерга кетаман», деган кайфиятда бўлишади. Ўтган йили пахта ҳосили пишган пайтда 15 бригада одамсиз қолиб кетди. Уй-жойи бор деҳқон ўзи ошга етганда кетиб қоладими? Албатта, йўқ.

Совхоз директори фақат уй-жой қурилиши ҳақида фикр юритди. Лекин хўжаликда қурилиш соҳасида қилинiши керак бўлган ишларнинг ҳисобини чиқариш анча машаққат. Совхоз меҳнаткашлари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мактачилик, сабзавотчилик билан шуғулланадилар. Хўжаликда 54 та пахтачилик бригадаси бор. Улар учун дала шийпони сув ва ҳаводек зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Совхоз ташкил бўлганидан буён 14 та дала шийпони қурилибди. 54 та пахта бригадасига тақсимлайдиган бўлсак, қариб тўрт бригадага битта дала шийпони тўғри келади.

Чўлда меҳнат қилаётганларнинг фарзандлари ҳам келажагимиз. Улардан ҳам келгусида турли соҳаларда меҳнат қиладиган ўқимишли кишилар етишиб чиқишига ишончимиз комил. Лекин йирик совхозда ҳозирга қадар ўрта мактабнинг йўқлиги кимни афсуслантирмайди, дейсиз. Қурувчилар ўрта мактаб биноси қурилишига пойдеворни 1979 йилда қўйгандилар. Ҳозир эса бино у ёқда турсин, ҳатто пойдевор ҳам йўқ бўлиб кетди. Нақотки 11-қишлоқ қурилиши трести раҳбарлари энг заруур бўлган ана шу қурилишларга ҳам бефарқ қарайдиган бўлиб қолишган экан?

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, деган гап бор халқимизда. Ҳозиргача бу хўжаликда касалхонани қўйинг, ҳатто медицина пункти ҳам йўқ. Район марказидан анча узоқда турадиган кишилар тунининг бир маҳалида қандай қилиб касалхонага етиб олиши мумкинлигини наҳотки қурувчиларимиз тушунмасалар? Планга киритилмаган объект бўлса бошқа гап, планга киритилган объектлар қурилишини бошлашнинг ўзи бир машаққат бўлса, уни тугаллаш 9-кўчма колонна учун ўн машаққат. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кутубхона, клуб, ҳаммом қурилишлари ҳали яна неча йил навбат кутаркин? Ҳеч бўлмаса совхоз меҳнаткашлари учун ёзги кинотеатр қуриб бериш айтиладиган даражада мураккаб иш эмас-ку. Йўқ, қурувчилар ҳозирга қадар шуни ҳам қуриб беришмаган. 11-қурилиш трести бошқарувчиси В. Г. Волков ёзги кинотеатр қуриб бериш тўғрисида ваъда қилганига ҳам анча вақт бўлиб қолди. Ер ҳам ажратилди. Шу билан ваъда ваъдалигича қолиб кетаверди. Ана шундай совхозда бор-йўғи битта 90 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди, десак ҳеч ким ишонмаслиги мумкин. Лекин ҳақиқатан ҳам шундай. Боғчага қатнайдиган болалар эса жуда кўп. Ёш болали оналар учун шароит бўлмагач, эрта-ю-кеч фарзандларига қараб, уйларида ўтиришаверади. Боғчалар етарли бўлганида, совхозда ишловчилар ҳам анча кўпаярди.

Совхознинг порлоқ истиқболи бор. Келгусида бу хўжалик давлатга ҳар йили 14-15 минг тонна ипак пахта етказиб берадиган совхоз бўлади. Лекин шунча пахтани етказиб берадиган меҳнаткашлари учун етарли шароит ҳам яратиб бериш биринчи зарурат эканлигини унутмаслик лозим. 11-қурилиш трести маъмурияти, қолаверса маҳаллий партия ва совет ташкилотлари совхоз территориясида барпо этилиши планлаштирилган барча объектлар қурилишини тезлаштириш учун бутун чора ва тадбирларни кўриши даркор.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

БИЗНИНГ ТАВСИЯЛАР

ДЕФОЛИАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Республика далаларида мўл ва сифатли пахта ҳосили пишиб етилмоқда. Бу йил пахтакорларимиз олдида ҳосилнинг камида 70 процентини терим агрегатлари ёрдамида саранжом-саришта қилиш вазифаси турибди. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши ғўза дефолиациясининг ўз вақтида, сифатли ўтказилишига боғлиқдир.

Бу йил пахта анча барвақт пишиб етилянти. Лекин ўтказилган кузатишлар натижаси тўпланган ҳосилнинг структураси ҳар хил эканлигини кўрсатмоқда. Чунончи, чигит тупроқнинг табиий намига қийнос ундириб олинган майдонларда ғўзанинг текис ривожланганлиги ва яхши ҳосил тўплаётганлиги кузатилмоқда. Нам танқислиги туфайли чигит суви берилган майдонларда эса одатда ривожланиши турлича бўлган ниҳоллар учрайди. Ниҳоллар чанқатиб қўйилганлиги натижасида ҳосил элементлари тўкилган пайкаллар ҳам бор.

Пахтазорлардаги бундай ҳолат дефолиация ўтказиш муддатларини қатъий табақалаштиришни тақазо этади.

Бу йил нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва саноатбоп биринчи сорт пахта салмоғини ошириш мақсадида дефолиацияни кўсаклар ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ очилган пайтда ўтказиш тавсия этилади. Шимолий пахтачилик зонаси — Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ўрта ҳосилли далалардаги ғўзаларда ўртача 2—3 тадан, серҳосилли далалардаги ғўзаларда эса 3—4 тадан кўсак очилганда дефолиацияни бошлаш лозим. Марказий районлардаги ўрта ҳосилли далаларда ҳар тўп ғўзада 3—4 та, серҳосил далалардаги ғўзаларда 4—5 тадан, жанубий районларда эса тегишли равишда 4—5 тадан ва 5—6 тадан кўсак очилганда дефолиацияни бошлаш керак.

Ўсимликларнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган ҳамда сув танқислиги сабабли ғўзанинг ўрта ярусидаги ҳосил элементлари тўкилиб кетган майдонларда дефолиацияни аксарият ўсимликларнинг юқориги ярусида кўсаклар етилгандан сўнг бошлаш даркор.

Машиналар ёрдамида териб олинадиган уруғлик учун ажратилган пайкалларни дефолиация қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бундай пайкаллардаги ғўзаларда 4—6 та кўсак очилгандан дефолиация ўтказилиши лозим. Ингичка толали пахта етиштирилаётган пайкалларда эса тўпларда 6—7 тадан кўсак очилганда дефолиация ўтказиш тавсия этилади.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳар бир участка учун дефолиация ўтказиш муддатларини белгилашлари, шунингдек, ер аппаратлари ҳамда авиация билан ишлов бериш ҳажмини кўрсатишлари даркор.

Шуни унутмаслик керакки, дефолиантларнинг таъсирчанлиги ҳавонинг ҳароратига боғлиқ. Ҳаво ҳарорати қанча юқори бўлса, препаратларнинг ғўза барглари-га сингиш қобилияти шунча юқори бўлиши тадқиқотларда аниқланган.

Ҳозир қўлланилаётган дефолиантларнинг ҳаммаси суткалик ўртача ҳарорат 17—18 даражадан паст бўлмаганда яхши таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳароратининг 10 даража ортиши препаратларнинг ғўза барглари-га кириб боришини икки баравар кучайтиради. Аксинча, ҳароратнинг пасайиши уларнинг барглар-га сингиш қобилиятини анча пасайтиради. Бутифос ҳавонинг бирмунча юқори ҳароратида яхши таъсир кўрсатади. Хлорат магний суткалик ўртача температура 14 даража бўлган тақдирда ҳам самарадорлигини йўқотмайди. Хлоратхлорид кальций препарати бу борада ўртача ўринни тутади.

Ҳаво ҳарорати кескин пасайган тақдирда препаратлар сарфлаш миқдорини 20 процентгача ошириш тавсия этилади. Аммо бунда ҳам дефолиантлар самарадорлиги оптимал шароитлардагига нисбатан анча паст бўлиши мумкин. Тошкент области пахтакорларининг муваффақиятлари, ғўза дефолиациясини энг қулай пайтларда ўтказилаётганлигига боғлиқ дейиш мумкин.

Ғўза баргининг яхши тўкилиши учун дефолиантларнинг белгиланган миқдорига қатъий риоя қилиш зарур. Бу йилги шароитда пайкаллардаги ғўзанинг ривожланиш даражасига қараб ҳар гектар майдонга 2—2,5 килограмм бутифос, 20—30 килограмм хлоратхлорид кальций, 10—12 килограмм хлорат магний сепиш тавсия этилади. Ингичка толали пахта экилган майдонларнинг ҳар гектарига 13—15 килограмм миқдорида хлорат магний сепиш лозим. Шуни ёдда тутиш керакки, дефолиантлар сарфлаш миқдорини камайтириш самарадорликни пасайтиради. Чунки бундай ҳолда ўсимлик баргининг тўкилишига олиб келадиган модда алмашувининг бузилиши рўй бермайди. Препарат нормасининг оширилиши эса барглар-ни қовкиратади-ю, аммо тўктирмайди. Бунинг устига ҳосил миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Ер аппаратлари ҳамда самолёт ёрдамида пуркаладиган суюқликни тўғри тайёрлаш ва сарфлашга катта эътибор бериш зарур.

Ҳозир қўлланилаётган дефолиантларнинг ҳаммаси контакт таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Яъни улар бевосита теккан тақдирдагина барглар тўкилади. Шу боисдан ОВХ-14, ОВХ-28 ер аппаратларидан фойдаланилганда дефолиантлар барглар-ни максимал даражада тўкади ва бир карралик ишловдаёқ кўсакларнинг очилишини тезлаштиради. Такрорий дефолиация ўтказишга ҳожат қолмайди. Дефолиация ер аппаратлари ёрдамида ўтказилганда гектарига 300 литр суюқлик сарфланади.

Дефолиация самолётлар ёрдамида бажарилган тақдирда бир мунча юқори самарага эришиш учун учиш баландлиги 5 метрдан юқори, суюқлик сарфи эса дефолиантларнинг типига қараб гектарига 100 литрдан ортиқ бўлмаслиги зарур. Ана шундай қилинганда барча яруслардаги барглар-га дефолиантларнинг бориб етиши таъминланади. Натижада такрорий дефолиация ўтказиш зарурати туғилмайди.

Дефолиация ўтказилишидан олдин пайкаллар бегона ўтлардан тозаланиши даркор. Пайкалларда бегона ўтларнинг бўлиши дефолиантлар самарадорлигини пасайтиради.

Дефолиация сифати тупроқдаги нам миқдорига ҳам боғлиқ. Шу боисдан дефолиация ўтказишдан олдин пахтазорларни ёнгил суғориш зарур.

Агар у ёки бу сабабга кўра ғўзанинг барги тўлиқ тўкилмай қолса, 6—7 кундан сўнг такрорий ишлов бериш лозим. Бундай ҳолларда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш жуда муҳим. Бутифос сепилган пахтазорга шу препарат такрор сепилмаслиги зарур. Такрорий дефолиацияда хлорат-хлорид кальций ёки хлорат магний қўлланилади. Агар биринчи дефолиация пайтида хлоратхлорид кальций қўлланилган бўлса, такрорий ишлов беришда хлорат магнийдан фойдаланилади. Хлорат магний сепилган тақдирда такрорий ишлов беришда ҳам шу препаратнинг ўзидан фойдаланиш мумкин. Лекин бунда дозаси оширилади.

Дефолиантларнинг таъсирчанлиги пахтазорга кунининг қайси пайтида ишлов берилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ишлов беришни эрта тонгда бошлаб тахминан соат 11—12 ларда тугатиш даркор. Ишни кечқурун, соат 5—6 ларда яна давом эттириш мумкин. Ҳаво салқин бўлган кезларда дефолиацияни кун бўйи амалга оширса бўлади. Кучли шамол эсаётганда дефолиация қилишга рухсат этилмайди.

Дефолиантлар заҳарли препаратлар. Шу боисдан улар билан ишлаётганда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар бир аэродромда медицина ходими ва тегишли дори-дармонлар, биринчи ёрдам кўрсатиш воситалари бўлиши зарур. Дефолиация ишларига жалб этилган барча ишчилар ва мутахассислар иш технологияси ва санитария қоидалари бўйича кўрсатмалар олган бўлишлари, мунтазам ювиниб туришлари даркор. Улар сут маҳсулотлари билан таъминланиб турилади.

Дефолиантлар билан ишлов берилган барча далаларга огоҳлантирувчи белгилар қўйилган бўлиши шарт. Унда кишиларнинг пайкалга қачон кириши мумкинлиги кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари дефолиацияни ўтказиш муддатларини тўғри белгилаш, дефолиантлар ва техникадан самарали фойдаланиш борасида колхоз ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Тавсиялар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси ва СоюзНИХИ мутахассислари томонидан тайёрланган.

ОЗУҚА МЎЛЛИГИ— МАҲСУЛОТ СЕРОБЛИГИ

ФОТОРЕПОРТАЖ

Мўл-кўл озуқа жамғариш, чорвачиликни озуқа базасини мустаҳкамлаш шу кечакундузги долзарб вазифалардан биридир. Буни яхши ҳис қилган Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги «Шаҳрисабз» колхози чорвадорлари мўл-кўл озуқа жамғариш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар. Юбилей йилида колхоз аъзоларининг 300 гектар майдонга экилган маккажўхорини юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Эндиликда улар ҳар гектар ердан 110 центнердан «қаҳрабо дон» ва 500 центнердан силосбоп кўкпоя йиғиштириб олиш ниятида ўрим-йиғимни жадал ўтказмоқдалар, сенаж бостиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хўжалик чорвадорлари ҳозиргача 7 минг 645 тонна дағал хашак жамғардилар ва 6 минг 815 тоннадан зиёд сенаж бостиришга эришдилар. Бедазорларда тўртинчи ўрим жадал олиб борилмоқда. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 180 центнердан беда пичани йиғиштириб олинди.

Озуқа жамғаришда колхозда ташкил этилган ем-хашак бригадаси бажараётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқдир. Хазрат Каримов бошчилик қилаётган мазкур бригада аъзолари ўрим-йиғимда ибрат кўрсатишянти.

— Колхозимиз чорвадорлари СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар, — дейди колхоз раиси Мавлон Ибодов.— Биз юбилей йилида она-Ватанга мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб бериб шонли юбилейни муносиб кутиб олишга азму-қарор қилганмиз. Ваъдамизнинг устидан albatta чиқамиз.

Сўзи билан иши бир бу азаматларнинг ниятлари амалга ошишига ишончимиз комил.

Ғ. ОБИДОВ.





Суратларда: 1. Илғор маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Гулчеҳра Турсунова. 2. Бригада бошлиғи Жаббор Жўманов ва пешқадам комбайнчи Мамадилло Мирзаев ўртоқлар ҳосил чўтидан мамнун. 3. Фермада боқиладаётган зотдор моллар. 4. Ўрим-йиғим пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

23 АВГУСТ — СОЦИАЛИСТИК РУМИНИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИ

БУХАРЕСТ. Социалистик Руминиянинг миллий байрами— Озодлик куни Совет Иттифоқининг гитлерчилар германияси устидан қозонган тарихий ғалабаси билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки шавкатли Совет Армияси мамлакатни фашизм асоратидан асраб қолиб, мустақил Социалистик Руминиянинг ташкил топишига асос солди. Ана шу озодлик учун олиб борилган қонли жангларда кўплаб совет солдатлари жон фидо қилдилар. Румин халқи уларнинг хотирасини кўз қорачиғидай авайлаб сақламоқда.

Суратда: пойтахтнинг ғалаба майдонида ҳалоскор совет жангчисига ўрнатилган ҳайкал.

В. Мастюков фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

Ичига уч космонавт — Л. И. Попов, А. А. Серебров ва иккинчи совет космонавт аёли С. Е. Савицкая тушган «Союз Т-7» совет космик кемасининг учирилганлиги жаҳонда зўр қизиқиш туғдирди. Чет эл оммавий ахборот воситаларининг шарҳларида Совет Иттифоқи космик фазони тадқиқ қилишнинг инсоннят манфаатларига мос бўлиб тушадиган программасини изчиллик билан амалга ошираётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Чехословакия газеталари «Совет фанининг навбатдаги муваффақияти», «Космосда яна аёл» сарлавҳаси остида «Союз Т-7» кемасининг парвози тўғрисидаги хабарларни, космонавтларнинг фотосуратларини, таржимаи ҳолларини биринчи саҳифаларда босиб чиқарган. **Венгрия газеталарига** «Иккинчи совет аёли — космонавти космосда», «Инсониятнинг яна бир аёл космонавти бор» сарлавҳалари қўйилган. **Куба радиоси** шошилинч хабарларда «Союз Т-7» кемасининг учирлиши — совет фанининг ер атрофи бўшлиғини ўзлаштиришдаги янги жуда катта муваффақиятини таъкидлаб ўтди.

ГДР космонавт учувчиси **З. Йен** «Союз Т-7» экипажига режалаштирилган парвоз программасини муваффақиятли бажаришни тилаб, учиш одамнинг вазнсизлик шароитида бўлиш имкониятлари тўғрисида кўпгина янги илмий маълумотлар келтиради, деб ишонч билдирди. МХР космонавт учувчиси **Ж. Гурраг**ча совет космонавтларининг учиш программасини муваффақиятли бажаришларини тилади.

Ғарб информация агентликлари шошилинч хабарларида Совет Иттифоқи космос тадқиқоти тарихида аёл космонавт тушган кемани иккинчи марта учирганлигини таъкидлайдилар. Бу агентликлар Америкаинг биринчи космонавт аёли саккиз ойдан кейин космосга учирилиши кутилаётганлигини учтирмоқдалар. Англиянинг **Рейтер** агентлиги Совет Иттифоқи катта ва анча қулай космик кемаларни яратиш ишида ажойиб муваффақиятларга эришганлигини кўрсатиб ўтади. Бу кемалар космик фазони тадқиқ қилган вақтда аралаш экипажлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Парижда чиқадиган **«Юманите»** газетаси — «йилларда достон бўлган «Чайка» — жаҳонда биринчи аёл космонавт Валентина Терешкова парвозидан кейин 19 йил ўтгач, СССР спорт мастери, синовчи-учувчи Светлана Савицкая космосга парвоз қилганлигини уқтириб ўтади.

Уч совет космонавтининг фотосуратини берган **«Вашингтон пост»** газетаси «Союз Т-7» кемасинг учирилганлигига катта эътибор беради. Совет Иттифоқи космосни тинч ўзлаштиришда жуда катта ютуқларга эришган бир вақтда АҚШ космосни Пентагон хизматига қўйишга уринмоқда. Американинг **«Чикаго трибюн»** газетаси ана шундай хулосага келади. Америка олимлари, деб ёзади газета, одамнинг космосда узоқ вақт бўлишини таъминлаш соҳасидаги совет программаси АҚШнинг ана шундай программасидан кўп йилларга ўзиб кетди, деган якдил фикрни билдирмоқдалар. Американинг тинчлик космик программалари кескин равишда қисқартирилаётганлигининг сабаби президент Рейган АҚШ космик куч-ғайратларини ҳарбий мақсадларда ер атрофи бўшлиғидан фойдаланишга тобора кўпроқ сафарбар этаётганлигидир, деб ҳисоблайди газета. «Чикаго трибюн» газетаси конгресс аъзоси **Ж. Браунинг** фикрини келтиради. Ж. Браун АҚШ Совет Иттифоқидан фарқли ўлароқ қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилмоқда, дейди. Американинг космик программаларида, деб таъкидлайди у, ҳарбий экспериментлар тинч экспериментларни сиқиб чиқармоқда.

Ҳозирги парвоз, дейди АҚШ хотин-қизлар миллий ташкилоти матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Ж .Мэрфи хоним, Совет хотин-қизлари илмий-техникавий тадқиқот ишларида, анъанавий «Эркаклар касби» деб ҳисобланган янги касбларни ўзлаштиришда юксак даражага эришганликларидан далолат беради.

Граца техника университети алоқа воситалари институтининг директори **В. Ридлер** (Австрия) ичига жаҳонда иккинчи аёл космонавт С. Е. Савицкая тушган совет кемасининг учирилишини инсоннинг космосни забт этишида қўйилган янги «муҳим қадам, деб таърифлади. Аёлнинг космик парвозда иштирок этиши, деди у, совет космик фанининг юксак даражада эканлигини, «Союз Т» туркумидаги космик кемаларнинг пухта-пишиқ эканлигини, уларнинг : «Союз—Салют» комплекси составида узоқ вақт учишларга мослашганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

(ТАСС).

МУҲИМ ВАЗИФА

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири). Бош министр Индира Ганди қабилаларни ривожлантириш Умумҳиндистон кенгашининг бу йилги конференциясини очиш вақтида нутқ сўзлаб бундай деди: Мамлакатдаги қолоқ қабилалар ва элатларнинг аҳволини яхшилаш —Ҳиндистоннинг социал-иқтисодий ривожланиш йўлидан бундан буён ҳам олга ҳаракат қилиб боришини таъминлашнинг муҳим вазифаларидан биридир. Аҳоли ана шу қисминнинг турмуш даражасини юксалтириш, деб таъкидлади у, умуммиллий вазифадир.

Ҳиндистонда майда қабилалар ва элатлар «Адиваси» деб аталади. Бундай қабила ва элатларнинг баъзилари энг ибтидоий турмуш кечириб, ҳали ҳам ўрмонларда ва тоғли жойларда яшамоқдалар, бошқалари эса тараққиётнинг бурмунча юқори даражасида кун кечирмоқдалар. «Адиваси» ўртасида қашшоқлик, ишсизлик, уй-жойларнинг етишмаслиги, касаллик сингари проблемалар ўткир бўлиб турибди. Безгак, вабо касалликлари ва бошқа юқумли касалликлар тез-тез чиқиб туради. Мутахассисларнинг ҳисоблашларига қараганда, «Адиваси» ўртача умр кўриши бутун Ҳиндистондаги ана шундай кўрсаткичдан анча пастдир.

Мамлакат ҳукумати қолоқ қабилалар ва элатларнинг турмуш даражасини оширишга катта эътибор бермоқда. Улар яшаётган районларда ирригация иншоотлари, йўллар, саноат корхоналарини жадал қуришга, электрлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу эса уларни иқтисодий жиҳатдан юксалтирибгина қолмай, шу билан бирга иш билан таъминлашдан иборат ўткир проблемани ҳал этишга ҳам ёрдам беради. Мамлакатнинг барча штатларида ва иттифоқ территорияларида «Адиваси» ўртасида соғлиқни сақлашни ва маорифни ривожлантириш программаси амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг замонавий усулларини оммалаштирувчи марказлар ташкил этилмоқда, ер участкаларини сотиб олиш, қишлоқ хўжалик инвентари ва ўғит харид қилиш, шунингдек косибчилик устахоналари учун асбоб-ускуналар сотиб олиш учун имтиёзли шартларда маблағ ажратилмоқда.

Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани (1980—85 йиллар) доирасида қолоқ қабилалар ва элатларнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан турли программаларни рўёбга чиқариш учун 6 миллиард рупия ажратилди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕРЛИН. Қурувчилар учун мўлжалланган тўрт юзта кўчма уй Бранденбургдан Уренгой—Ужгород газ қувурининг ғарбий қисми қурилаётган районга жўнатилди. Бранденбург енгил металл конструкциялар комбинати кўчма уйларни муддатидан анча илгари тайёрлаб, етказиб берди.

ГДРнинг бу корхонаси энг катта газ магистрали қурувчилари учун СССРга яна 1300 та қулай ва шинам уйларни юборишга керак.

ТОКИО, Сеул маъмурлари ўтказаётган экономикани милитарлаштириш сиёсати Жанубий Кореяда шунга ҳам оғир иқтисодий аҳволни яна-да мушкуллаштирмоқда.

Савдо-сотиқ ва саноат министрлигининг Сеулда эълон қилинган маълумотларига кўра, сўнгги 16 йил мобайнида Жанубий Кореянинг ташқи савдо камомати 24 миллиард доллардан ошиб кетган. Бу тоғ катта маблағнинг 91 проценти Корея ярим Ороли жанубини ўз маҳсулотларини сотадиган бозорга айлантирган Япония ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатда нарх-навО тўхтовсиз ошмоқда — ўтган йилнинг ўзидагина нархлар 20 процентдан зиёд ўсди. Ишсизлик проблемаси тобора жиддий тус олмоқда.

КОНАКРИ. Гвинея ҳукуматининг қарорига биноан мамлакатда Гвинея тарихида биринчи миллий педагогика институти ташкил этилди. Келгусидаги педагогика фанлари академиясининг тимсоли бўлмиш янги муассаса таълим соҳасида кенг илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши керак.

Гвинея ҳукумати социал-иқтисодий вазифаларга, шу жумладан республиканинг шу беш йиллик планларига мувофиқ олий мактабни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Гвинеяда олий таълим миллий системаси 1964 йилда, яъни Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Конакри политехника институтининг очилиши билан бир вақтда вужудга келган эди. Ғарб мамлакатларининг кўмаги билан ташкил этилган ҳамда қарийб бутунлай гуманитар фанлар профилидаги мутахассисларни тайёрлаб чиқарувчи Африкадаги бошқа олий ўқув юртларидан фарқли ўлароқ Конакри политехника институти мамлакат экономикасини ривожлантириш учун зарур бўлган техника кадрларини тайёрлайди.

(ТАСС).

ЧЕВАР

Чарчаб меҳнат қилгандан сўнг таниш-билишлар, қариндош-уруғлар билан суҳбатлашиш, гўё ҳашамларда иштирок этиш қандай яхши! Бундай пайтда айниқса, аёллар чиройли, хушбичим кийиниб, озода бўлишни-жуда хоҳлайдилар.

Маъсудахон даладан қайтаётиб, тикувчига берган кўйлаги ёдига тушиб қолди. Маъсуда Тожибоева Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозида яшаб, меҳнат қилади.

— Клавдия опанинг 20 йилдан бери яхшигина тикувчи эканлигини биламан, ўзбекча миллий кўйлакларни, европача фасонларни жуда маромига келтириб тикади, — дейди Маъсудахон.

Ҳақиқатан ҳам Клавдия опа ёшлик чоғларидан бичиқчиликка ҳавас қўйди. Ўрта мактабни битириб, тикувчилик билим юртини битирганига ҳам 20 йилдан ошибди. Шу пайтгача колхоз ёшларининг қанчадан-қанча никоҳ кўйлаклари Клавдия Дмитриевна Лянинг қўлидан чиқди. Калинин район маиший хизмат уйининг технологи Муҳайё Зарипова бизга Клавдия опа ҳақида илиқ сўзлар ёзилган дафтарчани кўрсатар экан, қўшиб қўйди:

— Клавдия опа ойлик ва йиллик планларни ҳар доим 100—110 процент бажариб келяпти. Заҳро Турсунбоева, Маҳсума Саъдуллаева Клавдия опанинг энг яхши шогирдлари ҳисобланишади.

А. НОСИРОВА.

Суратда: Клавдия Дмитриевна Лян шогирдлари билан кўйлак бичмоқда.

Автор фотоси.

АХБОРОТ

● **Фарғона область Киров районидаги «Москва» колхозидан «Баҳор» ҳаваскорлик ансамблининг қатнашчилари ўзларининг янги концерт программасини «Гуллаб-яшнайвер, жонажон ўлкам!» деб аташди. Ҳаваскор артистлар район хўжаликлари бўйлаб сафарга жўнаб кетишди. Кўпгина хўжаликларнинг пахтакорлари ана шу концертни кўради. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган программага Совет Республикаларининг қардошлик дўстлигини, тинч бунёдкорлик меҳнатини шарафловчи мамлакатимиз халқларининг қўшиқ ва рақслари кирган.**

● **Гулистон ремонт — механика заводининг «ВЛКСМ 40 йиллиги» клубида ташкил қилинган болалар цирки ўзининг биринчи гастролидан қайтиб келди. Мактаб ўқувчиларидан иборат ҳаваскор артистлар чўлқуварларнинг болалари дам олаётган пионер лагерларидаги ўз тенгқурлари ҳузурида дастлабки программани намойиш қилдилар. Томошабинлар ёш акробатлар ва қизиқчилар, жонглерлар ва гимнастикачиларнинг ҳар бир номерини қарсаклар билан кутиб олдилар. Собиқ артист, Улуғ Ватан урушн ветерани А. М. Артамонов раҳбарлик қилаётган ҳаваскорлик циркига ёшларнинг келиб қўшилиши ана шу сафар натижаларидан бири бўлди.**

● **«Гулбаҳор» ансамблининг ҳаваскор артистлари шундай ном билан аталган концерт программасининг премьерасига ҳамқишлоқлари — Бухоро область Вобкет районидаги Калинин номли колхоз меҳнаткашларини таклиф этдилар. Классик қўйлар ва ҳалқ қўйлари, қардош Совет Республикалари композиторларининг асарлари шу концерт программасига киритилди. Мамлакат халқларининг бузилмас дўстлиги — барча шу асарларнинг асосий мавзуидир. Ансамбль СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган янги концерт программасини областдаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида кўрсатади.**

● **Ҳамза номидаги Қўқон театри қозоқ драматурглари К. Шангитбаев ва К. Байсеитовларнинг «Уч бўйдоқ» пьесаси асосида музикали комедия премьерасини кўрсатди. Спектаклда ўтмиш сарқитларига қарши курашаётган совет ёшларининг юксак маънавий сифатлари очиб берилади. Ижодкор коллектив ўзининг янги ишини СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлади. Терим мавсумида артистлар комедияни областнинг пахтачилик хўжаликларида кўрсатадилар.**

● **Боғот районидаги Наримонов номли колхозда болалар комбинати очилди. Энди 90 гўдакнинг онаси теримга қатнаша олади. Хўжаликда тез ва кўп бинолар қурилмоқда. Шинам типовой уйлар бўлган посёлкада ўрта мактаб, манший хизмат уйи, савдо маркази очилди. Хўжалик яхши даромад олаётгани туфайли шундай катта ўзгаришларга эришди.**

(ЎзТАГ).

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЮВВОШ-У ЛЕКИН...

Жонворлар ичида қўй, айниқса, совлиқ жуда ювош бўлади. Лекин ушбу воқеадан кейин мен шундай дейишга иккиланиб қолдим.

Қиш кунларидан бирида сигир билан ёнма-ён нарвариш қилинаётган совлиқ эгиз кўзилади. Мен кўзилар сигирнинг оёқлари тагида ўралашиб қолмасин, деган мақсадда молхонанинг бир четини четан билан тўсиб, совлиқни кўзилари билан ўша ерга киритиб қўйдим.

Бир куни ҳадеб қўй маърайверди. Молхонага кирсам, кўзилардан бири четан девор орасидан ўтиб, сигир билан ялашиб турибди. Сигир қўзининг устини ялар, у эса қимир этмай турарди.

Мен бир дам кузатиб турдим. Совлиқ ўзини уёкдан-бу ёққа урганича маърар, боласи томон талпинар. четандан сакраб ўтишга ҳаракат киларди. Ниҳоят, ана шундай сакрашлардан бирида совлиқ тўсиқ устидан ошиб ўтди-да, шиддат билан ўзини сигирга ташлади. Кутилмаган зарбадан сигир чайқалиб кетди ва деворга суялиб қолди. Совлиқ қўзини боши билан турттанича молхонанинг бир четига сурди..

ЗАРУРАТ ТУҒИЛСА

Бир йилн қиш чилласи чўзилиб кетди. Одатда бундай пайтда айрим парандалар очлик ва совуқдан нобуд бўлади.

Термометр ташқарида совуқ 30 даражага кўтарилганлигини кўрсатарди. Бир нарсанинг тиқирлаши эътиборимни тортди. Деразага қарасам, мусича тумшуғи билан ойнани чўқиларди. Қуш нинг очликдан шунга жўраят қилганига тушундим. Деразани очиб, унга қўл узатдим. У қочмади, тумшуғини қўйи солганча жим туравер-ди. Мусичани хонага олиб кириб, олдига дон ва нон увоқлари қўйдим. Очиққан қуш ҳаммасини теріб еди. Сўнг дераза ёнига келиб қўнди. Мен форточкани очган эдим, у учиб кетди.

Эртасига яна ўша пайтда мусича учиб келди-да, деразани тақиллатди. Мен қушни тўйдириб, яна учириб юбордим. Бу ҳол то баҳоргача —кунлар исиб кетгунча давом этди. Демак, зарурат туғилганда, ўз ҳаёти учун курашда қушлар инсон ёрдамига муҳтож бўларкан.

А. ИУЛДОШЕВ.

„АДОЛАТ“

ПЬЕСАДАН ПАРЧА

Турмушимиз гўзаллашиб, одамларимиз фаровон ҳаёт кечиришяпти. Бу партия ва ҳукуматимизнинг меҳнаткашлар ҳақида қилаётган беқиёс ғамхўрлиги, бунёдкорлик меҳнатининг меваси. Лекин гуруч орасида гоҳо тошга тегадиган тош бўлганидек, ана шу дориламон замонинг қадрига етмайдиган, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам кўпроқ бойлик орттиришга интилувчилар, аниқроғи ишёқмас, фирибгар товламачи ва ўғри-муттаҳамлар учраб туради.

Маъруф Толиповнинг сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «Адолат» пьесасида худди ана шундай шахсларнинг кирдикорлари фош этилади.

(Давроннинг уйи. Хона деворлари текис ҳам кўкка бўялган. Уйнинг ўнг томонида, тўғрида телевизор, ёнида деворга тақаб қўйилган унча катта бўлмаган сервант. Ўртага ёзилган гилам устида катта чорси стол, унинг атрофида эса стуллар. Чап томонда, эалга яқин томонда, ташқаридан кирадиган эшик. Уйнинг бурчагида ёзув стол олдида кресло, устида кичик радиоприёмник. Стол тепасида эса икки қатор тахтача этажеркага ҳар хил китоблар теріб қўйилган. Ўртадаги столга ёнбоши билан суянган ҳолда Нодир радио эшитиб, газетани кўздан кечириб ўтирибди. Унинг ўнг томонида, сервант ёнидаги креслода Хайри қандайдир кийимга тугма қадаяпти).

НОДИР — Ойи, дадам ҳалигача келмаяпти-лар-а, ишлари чиқиб қолди шекилли?

ХАЙРИ — Қайдам болам, эрта келаман, аллақаерга боришим керак, дегандилар. Келиб қоладилар.

НОДИР — Ҳар куни шунақа кеч қайтадиларми?

ХАЙРИ — Кечасиям тинч қўйишмайди. Гоҳ пенсионер ўртоқлари, гоҳ маҳалладагилар маслаҳат бор, деб обкетиб қолишади. Даданги ишлари кўп, болам.

ДАВРОН — **(Саҳна орқасидан)** — Хайри!

ХАЙРИ — Ана, даданг кебқолдилар, болам.(**Эшикка томон боради).**

ДАВРОН — Нодиржон! **(Хонага кириб келади ва ўзи томон бораётган ўғлига қучоқ очади).** Нодиржан, болам, эсон-омонмисан, соғлиқларинг яхшими, тинчликми, ўқишларинг қалай?

НОДИР — Раҳмат, дадажон ,ўзингиз саломатмисиз?

ДАВРОН — Жуда соғингандим, келиб яхши қилибсан, ўғлим. Тинчликми ўзи?

НОДИР — Ҳа, тинчлик, дада. Бизни бу томонларга практикага юборишганди. Шундан фойдаланиб, йўлда тушиб, сизни ва оиймларни бир кўриб кетай дедим.

ДАВРОН — Жуда яхши қилибсан ўғлим. Барака топ, қанчага келдинг?

НОДИР— Ҳозир кетаман. Фақат сизни кутиб ўтиргандим.

ДАВРОН — Иўғ-э, бунча тез шошилмасанг. Бугунча қолақолгин.

НОДИР — Ҳеч иложим йўқ. Ҳамроҳларим кутиб қолишади. Топшириқ кўп, дада.

ХАЙРИ — **(чойнак кўтариб кириб келади ва столга қўяди).** Нима, яна ишингиз чиқиб қолдими, қаерларда қолдингиз, дадаси? Боҳли келаман демабмидингиз? Сизни кута-кута болам бечоннинг кўзи тўрт бўлди.

ДАВРОН — Ҳа, озроқ ушланиб қолишга тўғри келди.

ХАЙРИ — Ўғлингизга палов қиббергандим, озроқ еб кўрасизми?

ДАВРОН — Йўқ, йўқ, оғирлик қилади.

НОДИР — Нега дадажон? Соғлигингиз...

ДАВРОН — Яхшику, бироқ ҳар замонда юрак безовта қиляпти,

НОДИР — Ундай бўлса, албатта кўрсатиш керак.

ДАВРОН — Жуда иш кўп, болам. Хайрли иш қилаётганингдан кейин чарчаганинг ҳам билинмас экан.

ХАЙРИ — **(чойни қуйиб, Давронга узата туриб)** —Энди дадаси, шу ишингизни қўйқолсангизмас бўларди. Шунча йил ишлаб бўлса ишлаётгинг. Пенсияга чиққанингизгаям мана анча бўлди. Бундоқ уйда ўтириб, дам олиб, қариндош-уруғларникига бориб ҳордиқ чиқарганингизни билмайман. Борсангизам бу ёқдан бориб, бу ёқдан кетаманга тушасиз. Ҳали у текшириш, ҳали бу текшириш **(Нодирга қараб)** — Гоҳо бир нарсадан бўғилиб келсалар, мен билан чиқишмайдилар, болам. Ҳеч нарса татимайди. Ҳой, намунча бўғиласиз, барака топкур, дунёнинг ташвиши сиздами, дейман. Худога шукур егаларингиз олдингизда, емагаларингиз кетингизда. Давлатдан айланай, катта пенса бериб қўйибди, ҳар йили курортга қоғоз беради. Ишим қолади деб бормилла, болам.

НОДИР — Дадамдан қаҳфа бўлманг, ойижон. Ишга ўрганган одам уйда ҳечам ўтиролмайдилар **(Давронга қараб),** —Лекин дада, ҳар йилгина эмас, балки ҳар куни ҳам ўзингизга қарашингиз, иормал дам олишингиз керак.

ДАВРОН —Гапинг тўғри, болам. Энди ёш бола эмасмиз. Аммо ҳамма вақт ҳам ўйлаганингча бўлавермайди. Партия ташкилоти сенга ишониб бир ишни топшириб қўйганидан кейин, йўқ, мен энди дам олишим керак, деб ўзингни четга тортиб туролмайсан-да. Ундан ташқари ҳозир соғлигим ҳам анча яхши.

ХАЙРИ — Ҳа, энди шунақа дейсиз-ку, ўзингизни ишингизам ўлардай ғалва иш. Бировминан нима ишингиз бор. Ҳамма дўкончиларминам ишингиз қолган. Моянаси кам бўлса, келган молдан унча-мунчасини бозорга сотиб бола-чақасини боқса боқар. Ўғирлик қилмаса, бировга зарари тегмаса.

ДАВРОН — Ўйламасдан гапираверасан. Сенинг ишинг бўлмаса, менинг ишим бўлмаса, кимнинг иши бўлади?

Радиода эшитасан, ҳукуматимиз халқимизнинг фаровонлигини борган сари яхшилаш учун қанчадан-қанча чораларни кўрянти. Халқ талаб қиладиган молларни кўплаб чиқариш учун нималар қилмаяпти. Қани ўзинг яхшилаб ўйлаб кўрчи. Эртаю кеч тер тўкиб ишлаётган халқ сотиб олсин, деб магазинларга яхши-яхши газмоллар, кийимликлар, продуктлар бериб турсаде, уларни баъзи муттаҳамлар сенга сотмасдан, пештахта тагидан, бир жойда бир соат ҳам ишламай, жамиятга тўқ-қиз пуллик нафи тегмаётган савдогарларга оширса, кейин сен тер тўкиб топган пулингга, ўша савдогарларни қўлидан бирни ўнга сотиб олсанг. Бу нима ўғирлик эмасми? Бу куша-кундузи очиқдан-очиқ халқнинг пулини ўғирлашни ўзгинаси-ку. Қўшнинг Ҳикмат ўттиз йилдан бери заводда ишлаб битта машина ололмасаде...

ХАЙРИ — **(Давроннинг гапини бўлиб)** — Э, дадаси, қизиқ одамсиза. Шунча майда боламинам машинани нима қилади. Ҳаммаёқ трамвай, троллейбус, автобус бўлиб ётибдику. Уч тийин берсангиз қандан қаёнга обориб ўсяди.

ДАВРОН — Гапни бўлмай эштиб тур. Унга ҳозир машина керак деяётганим йўқ. Демоқчиманки, қиладиган ишининг тайини йўқ, на ўқишда ва на тўқишда бор бир савдогар, халқдан уриб қолган пулга уялмай-нетмай, даранг-дурунг қилиб, тумонат одам этиб тўй қилса, ош берса, гап берса, янги чиққан «Волга» машина олса, данғиллама участка солса, уйига кирсанг, бутун қимматбаҳо импорт моллар. Радиода пионина чалса, дарҳол ўчириб қўядиган одам бўлсаям уйига пионина ёки рояль қўйган. Бу қанақаси, хўш, буларни ҳаммасини қаердан олади? Сен билан бизнинг, халқнинг ҳақидан уриб қолади.

НОДИР — Илгари ногирон гадо хайир сўраса, раҳмингиз келиб ўзингиз ўлбуд бериб юборардингиз. Булар сизнинг ҳақингизни ўзингиздан сўрамасдан уриб қолади-да, ойи.

ДАВРОН — Тўғри айтдинг. Булар беномус ва виждонсиз одамлар. Этга ёпишган канадек. Тўғри, улардан кўплари ўзларини беозор художўй қилиб ҳам кўрсатадилар.

НОДИР — Тағин улар ҳеч кимга гапини бергиси келмайди. Пул қутиртиради. Пул бўлса битмайдиган иш йўқ дейдилар. Булар ёшларни тарбиясига ҳам ёмон таъсир қилади.

ДАВРОН — Яхшидан кўра ёмоннинг таъсири юқумлироқ бўлади, болам. Белиғ оғримай, осонгина пул топиш яхши кўринади. Бу ўғриликка олиб боради. Бу йўлга кирганлар ҳаром билан ҳалолни фарқига бормайдилар. Эсимда, ёш боламиз, ўртоғим билан Хожи акани орқасидаги ердан бир этак ёнғоқ теріб келгандик. Буваг кўриб, қаердан олдиларинг, дедилар. Олган жойимизни айтган эдим, дарров олиб бориб, буни сўпи акага бериб келинглар, бу вақфнинг ерн, у ернинг нарсасини еб бўлмайди, дедилар.

ХАЙРИ — Ҳа, албаттада, у азиз жойлар, ўтти нарсасини ейиш гуноҳ бўлади.

ДАВРОН — Ҳа, баракалла, шундайми, халқникини ейишчи? Халқнинг, элнинг ҳақини ейиш гуноҳ эмасми? Аслида суриштирсанг, вақиф еридан бир неча шайхлар фойдаланган холос. Элга манфаати бўлмаган. Давлатнинг мулкичи, бу халқнинг ўзиники. Давлат мулкини, халқ мулкини тортқилаш, бу катта гуноҳ. Халқнинг ҳақидан уриб қолиш, қайтимини бермасданми, тарозидан урибми, бирни ўнга сотибми, мана бу катта гуноҳ, жиноят! Қандай қилиб бундай одамларга нисбатан бефарқ қараб бўлади? Бундай одамлардан — хўш, қанча маош оласиз-ку ва бу бойликларнинг ҳаммасини қаердан олаяпсиз, деб суриштириш керак?

НОДИР — Дада, бундай одамларга нисбатан тағинам қаттиқроқ чора кўрилиши керак.

ХАЙРИ — Ҳа, ундай ноинсофларга худонинг ўзи кўрсатар.

ДАВРОН— Йўқ, бундай деб қараб ўтирсанг, ўтиравераса, Кишиларни тўғри тарбиялаш керак. Бу ҳаммамизнинг ишимиз. Халқ ўз мулкини ўзи сақлаш, ўз ҳақини ўзи талаб қилиб олиши керак. Фақат мен эмас, сен ҳам, ҳар бир одам ҳам ҳақини ундай юзсизлардан талаб қилиб олиши шарт. Ана шундагина ярамас иллатлардан қутилишимиз мумкин.

Маъруф ТОЛИПОВ.

Марғилон шаҳри йил сайин обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Яқинда қурилиб, фойдаланишга топширилган темир йўл вокзали биноси шаҳар ҳуснига янада ҳуси бағишлади.

Суратда: темир йўл вокзали биносининг умумий кўриниши.

Н. Раҳмонов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ИЎЛБАРСЛАР ҲУЖУМИ

Германия Демократик Республикаси АДН агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистон чангалзорларида яшовчи йўлбарсларнинг ҳужумидан сўнгги уч йил ичида 164 нафар киши нобуд бўлган. Бу факт йиртқич ҳайвондан кишиларни муҳофаза қилиш тадбирлари кўриб чиқилган мамлакат парламентига келтирилди. Гап шундаки, бир неча йил муқаддам қарийб йўқолиб кетиш арафасида турган йўлбарсларнинг сони кейинги йилларда анча кўпайди. Масалан, уларнинг сони 1972 йилдаги 268 тадан 1979 йилга келиб 711 тага етди. Ҳозирги пайтда йиртқич ҳайвонлар кишиларга катта хавф солмоқда. Йиртқичларни тутадиган, одамхўр бўлиб қолган йўлбарсларни йўқотадиган овчилар группаси тузиш ҳақида келишиб олинди.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ТЕЗКОР ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ

Компьютер техника соҳасида Япония мутахассислари томонидан дунёда энг тезкор электрон-ҳисоблаш машинаси яратилди. У секундига 5 миллион операцияни бажариш имкониятига эга ва матеорология, физика, биология ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун мўлжалланган.

КАЛАМУШЛАРГА ҚАРШИ «ЖАНГ»

Сан-Франциско кўрфази қирғоқлари бўйлаб чўзилиб кетган Окленд шаҳрининг турли районларида қоронғи тушиши билан отишма эшитилади. Аҳоли қуролли талончиларнинг ҳужумини қайтаряпти, деб ўйлаш мумкин. Бироқ, уларнинг «душманлари» ташқарида эмас балки ўйларнинг ичида ҳужумга ўтадилар. Бир неча вақтдан бери Окленд шаҳри каламушлар ҳужумига дучор бўлиб келмоқда.

Каламушларни тутадиган қопқонлар ҳам, ҳовли ва ертўлаларга қўйилган заҳарли моддалар ҳам ёрдам бермаяпти. Кўпчилик одамлар уйда қуролсиз қолишга журъат қилишолмайди, улар каламушлар пайдо бўлиши биланоқ тўппончалардан ва ҳатто милтиқлардан ҳам ўқ узишади.

«Окленд трибюн» газетасининг ёзишича, шаҳар хўжалигининг санитария ҳолати устидан маъмурлар етарлича назорат ўрнатмаганликлари оқибатида каламушлар ҳужуми содир бўлмоқда. Бу кемирувчилар канализация тармоқларида кўпайяпти.

ШЎРТАНГ ПОМИДОРЛАР

Илгаритдан маълумки, помидорлар озиқ-овқатни қимматли минерал тузлар билан бойитувчи манба ҳисобланади. Янги нав яратишда америкалик селекционерлар помидорларнинг бу хусуснятидан фойдаланишга ахд қилдилар. Узоқ вақт ва чидам билан қилинган меҳнат натижасида Огайо штатилик селекционерлар помидорларнинг бошқа навлари каби чиройли ва мазали, бироқ таъмига кўра шўртанг помидор навини яратишга муваффақ бўлдилар. (ТАСС).

Спорт

✦ ФУТБОЛ

«ЗВЕЗДА»НИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

СССР чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган командалар ўртасида иккинчи давра ўйинлари давом этмоқда. Шуниси эътиборлики, айниқса, пешқадамлар сафида кескин кураш бораяпти. Буни ҳар бир тур учрашувлари кўрсатиб турибди.

Навбатдаги матчлар ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Чунончи 11 учрашувнинг 9 тасида майдон эгалари устунлик қилдилар. Бир матчда меҳмонлар ғалаба қозонишди. Бир ўйин дуранг натижа билан тугади. Умуман дарвозаларга 22 та тўп киритилди. Шулардан 17 таси майдон эгалари, 5 таси эса меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Бундан олдинги турда пешқадамликни қўлга киритган Кишинёвнинг «Нистру» командаси футболчилари бу сафар ўз мухлисларини хушнуд эта олмадилар. Улар Ланчхутида маҳаллий «Гурия» коллективига қарши тўп суришди. Майдон эгалари пешқадам билан жанговар тарзда кураш олиб бориб, ўйинни ўз фойдасига ҳал этишди. Учрашув тақдирини мезбонлар томонидан киритган ягона тўп ҳал қилди.

Кишинёвликларнинг бу маглубияти «Колос» командасига қўл келди. Никополлик футболчилар ўз майдонларида Одессанинг СКА клубини 2:0 ҳисобида енгишди. Натижада улар жамғармаларидаги очколар сонини 35 тага етказиб, турнир жадвалининг юқори ,поғонасини банд этишди.

Турдаги энг қизиқарли учрашувлардан бири Вильнюсда бўлди. Бу ерда турнир жадвалининг учинчи поғонасини банд этиб турган майдон эгалари — «Жальгирис» коллективи тўртинчи ўринда келаётган Москванинг «Локомотив» футболчиларини қабул қилди. Майдон эгалари учрашув давомида ташаббускорликда тўп суришди. Бу ўз самарасини бермай қолмайди. Вильнюслик футболчилар томонидан уюштирилган ҳужумларнинг иккитаси меҳмонлар дарвозасига тўп киритилиши билан якунланди. 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Жальгирис» командаси никополлик футболчилар сингари 35 очко тўплаб жадвалнинг иккинчи поғонасидан ўрин эгаллашди.

Утган турда Ворошиловграднинг «Заря» коллективини йирик ҳисобда маглубиятга учратган Жиззахнинг «Звезда» командаси бу турда ҳам мухлисларини қувонтирди. Улар ўз майдонларида турнир жадвалининг охирги ўринларидан бирини эгаллаб турган Киевнинг СКА клубини қабул қилишди. Учрашувни ҳужумкорликда ўтказган жиззахлик футболчилар меҳмонлар дарвозасига уч тўп йўллашди. Киевликлар эса фақат бир маротаба муваффақиятга эришишди. Шундай қилиб, 3:1 ҳисобида навбатдаги ғалабани қўлга киритган «Звезда» командаси тўплаган очколар сонини 23 тага етказди.

Душанбенинг «Помир» командаси футболчилари мазкур турда муҳим икки очкони йўқотишди. Бу сафар улар Ворошиловграднинг «Заря» коллективи билан бўлган учрашувни бой беришди. Матч 2:0 ҳисобида меҳмонлар фойдасига тугади.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: — «Шинник» (Ярославль) — «Спартак» (Кострома) —3:1, «Динамо» (Киров) — «Искра» (Смоленск) — 2:0, СКА (Ростов) — СКА—«Карпати» (Львов) — 1:1. «Металлург» (Запорожье) — «Таврия» (Симферополь) — 1:0, «Факел» (Воронеж) — «Ротор» (Волгоград) — 1:0.

Навбатдаги тур ўйинлари 28 августда бўлиб ўтади. Шу куни Жиззахнинг «Звезда» командаси футболчилари Хабаровскда маҳаллий СКА клуби билан учрашишади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ДУШАНБА

23 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
9.50 «Ҳайвонот оламида».
10.50 Болалар учун фильм. «2-синфда икки йил ўқийдиган Иван Семенов ҳаётидан уч ярим кун».
12.10 «Менинг уйим шу ерда». Н. Ескалиева иштирокида фильм-концерт.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ягона оилада». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16 15. С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
17.00 «Буратино кўргазмаси».
17.30 «Ёшлар адреслари».
18.30 Подольск машинасозлик заводи «Ленок» ҳалқ ашула ва ракс ансамблининг концерти.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Қувноқ нотачалар».
19.30 «Партия планлари — ҳалқ планлари».
20.00 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. Руминия Социалистик республикаси телевидениесининг программаси.
21.30 «Время».
22.00 Катталар учун контроль иш. «Сеп».
22.50 «Дунё воқеалари».
23 05 П. И. Чайковский номли VII Ҳалқаро конкурс лауреати С. Стадлер чалади [скрипка].
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Беҳаловат лавозим». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Совет плакати усталари.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Уядаги қушчалар». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Чашмалар».
21.30 «Время».
22.00 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Ёвузлар». Телевизион бадиий фильм премьераси [ЧССР].
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Черноморец». 2-тайм. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ишёқмас ва ялқов Влас воқеаси». Қўғирчоқ фильм.
18.15 «Ўсмир ва қонун».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Советский воин». Тележурнал [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Қорақалпоғистон АССР санъат музейи кўргазма залидан репортаж.
20.15 «Аввалги чиройига ҳам сайқал бериб...» Ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қашқадарё ерининг саҳоватн».
22.15 «Бугун оламда нима гап!». Ҳалқаро аҳвол кундалиги.
22.30 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
23.40 Янгиликлар.

«КИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 07373

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000. ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35. 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543.

А. 1095.